Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Узбекистон» (1924—1964 й). «Совет Узбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Узбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 112 (21. 211) 1992 йил 6 июнь, шанба

БАҲОСИ 2 СЎМ.

РОССИЯ ЧЕГАРАЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Василий КОНОЕНКО, «Известия»

Президент Б. Ельциннинг 4 июнь куни ҳукумат мажлисида Россия МДҲ давлатлари билан чегараларини шошилинч равишда мустаҳкамлайди, деган гапларни шов-шувли хабар деб аташ мумкин. Бу гап Россия ички ишлар идораларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала муҳокамаси чоғида айтилди.

Ички ишлар вазири В. Ерин маърузасида милициямиз ва жиноятчиликнинг ҳолатига оид маълумотларни келтирди: ўғирлик, айниқса, ўқ отадиган қуролларни ишлатиб ўғирлик қилиш фалокатли даражада кўпайиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича 1995 йилга бориб бундай ўғирликлар сони икки баравар кўпайиши мумкин. Ички ишлар идоралари кенг миқёсли операцияларни ўтказмоқдалар. Апрель-май ойларидагина 12 минг жиноят фош этилди, 2,5 мингга яқин жиноятчи ушланди, улар давлатга саккиз миллион сўмлик зарар етказган.

Президентнинг фармонига мувофиқ порахўрликка қарши кураш олиб борилмоқда. Яқинда Россия марказий банки ва тижорат банклари орқали маблағни нақд пулга айлантириш билан шуғулланиб келган жиноий гуруҳ фош этилди. Тинтув чоғида улардан 30 миллион сўм нақд пул мусодара қилинди.

Вазир Россиядаги жиноятчилик ҳолатини тасвирлаб, милицияни мустаҳкамлаш учун қўшимча маблағ ажратишни сўради. Ҳозирги вақтда, деди у, ҳар икки милиционердан бирини кийинтириш, ҳар уч милиционердан бирига пойабзал бериш мумкин, бошқаларига пул етишмайди.

Маданият вазири Е. Сидоров шу аянчли манзарани тўлдирди. Россиядан миллий қадриятлар ёппасига олиб чиқиб кетилмоқда. Иконанавислик асарларининг 80 фоизи чет элларга чиқиб кетди. Бунинг сабаблари бир нечта: маданий қадриятларни мамлакатдан олиб кетиш ва олиб келиш тўғрисида қонун йўқ. Бу жараённи назорат қилиб турадиган махсус ташкилот ҳам йўқ, бунинг устига чегара нималиги ҳам ноаниқ. Бу кечиктириб бўлмайдиган муаммони жуда тез ҳал этиш керак.

Президент шу хусусда Хавфсизлик кенгашининг 3 июнда бўлиб ўтган мажлисида Россия давлат чегараларини ва божхоналар хизматини мустаҳкамлашга доир шошилинч чоралар тўғрисида қарор қабул қилинганлигини айтди. Гап шундаки, деб давом этди Президент, МДҲнинг айрим давлатлари, аввало Ўрта Осиёдаги давлатлар ўз ҳудудларига рухсатномасиз келиш ва кетиш тўғрисида қарорлар қабул қилмоқдалар. Шу сабабли, мисол учун олганда Қозоғистон орқали Россия ҳудудига жиноятчи ва ҳатто разведкачилар ўтмоқда ҳамда Россиянинг миллий манфаатларига путур етказмоқда. Болтиқбўйи, Молдова, Украинада ҳам шундай манзарани кўриш мумкин.

МДҲ доирасидаги мавжуд чегара қўшинларига қўшимча равишда Россия чегара қўшинларини тузишга қарор қилинди. Бу қўшинлар Россия Хавфсизлик вазирлигига бўйсунади. Шу билан бир вақтда божхона хизмати, айниқса Болтиқбўйи йўналишида мустаҳкамланади. Украина билан, сўнгра эса Озарбайжон билан давлат чегараларини барпо этиш, шунингдек Грузия билан божхона чегарасини барпо этиш ҳақида ҳам қарор қабул қилинди.

Президент шу масала муҳокамаси якунида ички ишлар вазирининг илтимосини қўллаб-қувватлашни таклиф этди. Бироқ у бу йил ва келгуси йилда ички ишлар идоралари ходимлари сонини бирданига 140 минг киши кўпайтириш мақсадга мувофиқлигига шубҳа билдирди.

Ҳукумат ер ва аграр ислоҳот марказини барпо этиш тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилди, бу масаланинг муҳокамаси олдинги мажлислардан бирида қолдирилган эди. Қўшимча равишда ёки Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тепасида турадиган яна бир давлат тузилмаси пайдо бўлиши хавфи туфайли келишмовчилик чиқди. Бугун ана шу хавфсирашлар яна эшитилди. Шунга қарамай, бу таклифни пухта ишлаб чиқишга, шундай марказни барпо этиш ғоясини қўллаб-қувватлашга қарор қилинди. Мажлисда бу таклифни вице-президент А. Руцкой киритган эди.

Федерал контракт тизимини барпо этиш ва 1992 йилда савдодаги хусусийлаштириш дастури учинчи масала бўлди. Масаланинг моҳияти шундаки, Савдо вазирлиги ўз куч-ғайратларини савдони бошқаришни эмас, балки товарлар оқимини бошқаришга, савдо корхоналарини тезроқ хусусийлаштиришга қаратиши керак.

(«Известия», 1992 йил 5 июнь).

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

Тошкентда 5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Халқаро ишлар комитетининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар ва идораларнинг, қўшма корхоналарнинг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги қўшма корхоналар иши юзасидан маслаҳатчилар эксперт гуруҳи қатнашди.

Мажлисни комитет раиси П. Ҳабибуллаев бошқарди. «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги Қонуннинг биргаликдаги ишбилармонликни ривожлантириш қисмининг бажарилиши ҳақида»ги масала кўриб чиқилди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ташқи иқтисодий фаолият, хорижий сармоялар тўғрисидаги қонунлар қабул қилингач, Ўзбекистонда қўшма омилкорлик кенг ривож топди. Ҳозир 300 га яқин қўшма корхона ишлаб турибди. Уларнинг учдан бир қисми халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сотиш билан, 50 тадан кўпроғи қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланмоқда. Қурилишда, тиббий ва доришунослик саноатида, илм-фан, саёҳатчилик, электрон-ҳисоблаш техникаси соҳаларида ва бошқа соҳаларда қўшма корхоналар барпо этилди. Улар истеъмол бозорини моллар билан тўлдириш ва хизмат кўрсатиш юзасидан кўп иш қилмоқда.

Лекин шу билан бир қаторда республикада ҳозирча қўшма омилкорлик тўғрисидаги сиёсат аниқ ишлаб чиқилмаганлиги, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш давлат дастурининг йўқлиги мажлисда таъкидлаб ўтилди. Фаолиятнинг республика ҳамда унда яшовчи халқларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан устивор йўналишлари ва турлари аниқланмаган.

Комитет мажлисида «МДҲда қатнашувчи давлатлар консуллик ходимларининг шу йил 7-8 майдаги кенгаши якунлари тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама қилинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

● *ХДП ҳаётидан*

ОРОЛ ДИЁРИДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов 4—5 июнь кунлари Орол диёрида — Қорақалпоғистон Республикасида бўлди. У сафар чоғида ишлаб чиқариш корхоналари, қурилиш ташкилотлари, давлат ва жамоа хўжаликларида бўлиб меҳнаткашларнинг ҳаёти ва меҳнати билан яқиндан танишди.

Дастлабки куни биринчи котиб Мўйноқда бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А. Х. Тожиев ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг биринчи котиби А. Х. Асанов йўл-йўлакай унга Орол денгизи соҳилларидаги вазиятни гапириб бердилар.

Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расулов Мўйноқда дастлаб мўйначилик саноати хўжалиги ишчилари, инженер-техник ходимлари билан учрашди ва суҳбатлашди. У суҳбат пайтида ишчиларнинг ойлик иш ҳақлари 1000—1290 сўмга тўғри келаётганлигини айтиб берди. Суҳбат пайтида ишчилар унга қийин иқтисодий вазиятга қарамай мустақил республиканинг иқтисодиётини янада мустаҳкамлаш учун қўлларидан келган барча ишни қилажаклари тўғрисидаги аҳдларини айтдилар.

Мўйноқ балиқ консерва комбинатида бўлган учрашув ва суҳбатлар ҳам ниҳоятда қизиқарли ўтди. Корхона капитал ремонтга белгиланган муддатдан анча олдин тўхтаган. Ишчилар, инженер-техник ходимлар, уруш ва меҳат ветеранлари биринчи котибдан бу ерда вужудга келган муаммоларни ҳал этишда ёрдам беришни илтимос қилдилар. Чунончи, капитал ремонт ҳаддан ташқари кечиктирилмоқда. Метал конструкциялар, қувурлар, балиқ консерва қутилари тайёрланадиган темир варақлари вақтида келтирилмаяпти, савдода тартибсизликлар кучайиб кетган. Рўйхат бўйича бериладиган ун, қанд ва шакар, чой, сигареталарни адолатли тақсимлашга эътибор суст. Улар белгиланган миқдорда тақсимланмаётир.

Биринчи котиб халқ ноиблари район Кенгаши раиси Т. Керимзотов билан суҳбатлашганда — у М. М. Расуловга бу йил кўлларда ҳам, дарёда ҳам сув кўплигини, балиқ яхши урчиганлигини, тўртта балиқчилик жамоа хўжаликлари беш ойлик балиқ овлаш режаларини ошириб бажарганлигини гапириб берди. Сувнинг кўплиги йилнинг баракали бўлишидан дарак беряпти. Хўжаликлар аввалги режаларини қайта кўриб чиқиб, бу йил 2900 тонна ўрнига 5 минг тоннадан кўпроқ балиқ овлаб топширишга қарор қилдилар.

Орол денгизи соҳилларида яшаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан белгиланган режалар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, Мўйноқ шаҳри аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашда, район марказига табиий газ келтиришда бир қатор амалий ишлар қилиняпти. Шу йилнинг 1 сентябригача районга табиий газ келади ва 400 хонадон газлаштирилади.

ХДП Марказий Кенгаши котиби М. М. Расулов Тахтакўпир райони шоликорлари ва чорвадорлари билан ҳам учрашди. Бу учрашув ва суҳбатлар дала меҳнаткашлари ва чорвадорларда келажакка бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Биринчи котиб республика раҳбарияти ва ХДП Марказий Кенгаши меҳнаткашларнинг моддий турмуш шароитини яхшилаш юзасидан амалга ошираётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Ўз навбатида шоликор ва чорвадорларнинг турмуш ва юмушлари билан ҳам қизиқиб танишди. Ижара пудрати усулида ишлаётган «Тахтакўпир» давлат хўжалиги директори А. Адилов биринчи котибга хўжаликда бу йил 3 минг гектар майдонда шоли етиштирилишини ва 12 минг тонна ҳосил олиш учун меҳнат қилинаётганлигини, ҳар бир шоликорнинг ойлик иш ҳақи ўтган йилги 850 сўмдан бу йил 1,5—2 минг сўмга етганлигини сўзлаб берди. М. М. Расулов хўжаликдаги боғни ва шоли оқлайдиган цехни бориб кўрди.

Ўзбекистон ХДП Тахтакўпир райони кенгаши ходимлари ва район фаоллари йиғилиши бўлди. Унда район ҳокими У. Аширбеков, ХДП район кенгаши биринчи котиби О. Матниёзов иштирок этдилар. М. М. Расулов бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги қийинчиликларни енгиш учун амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Орол фожиаси ва экологик қийинчиликлардан чиқишнинг йўллари суҳбатнинг бош мавзуига айланди. Биринчи котиб шунингдек, партия кенгашлари ва ташкилотларининг сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш, кадрлар билан ишлаш, энг тажрибали ва лаёқатли кадрларни раҳбарий лавозимларга тавсия этиш, партия аъзоларининг фаоллигини ошириш, партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва иш мазмунини кучайтириш юзасидан олдда турган вазифалари ҳақида гапирди. У шунингдек Қораўзак райони раҳбарлари билан ҳам учрашди.

Бу йилги баҳор Қорақалпоғистонда ниҳоятда серёғин бўлди. Кўп хўжаликларда асосий майдонларда экилган чигит униб чиқмасданоқ қайта экишга мажбур бўлинди. Сабзавот ва маккажўхори ҳам қайта экилди, қатқалоқ кўп бўлди. Республика бўйича 48 минг гектар майдонда чигит қайта экилганидан, қатқалоқни юмшатиш учун қўшимча маблағлар сарфланганидан давлат ва жамоа хўжаликлари жами 200 миллион сўмликдан кўпроқ зарар кўрдилар. Бироқ одамларнинг руҳи тушгани йўқ. Улар ҳар қандай қилиб бўлса ҳам қайта экилган майдонларда экинни тезкорлик билан сифатли парвариш қилиб етказиб олиш учун ҳаракат қиляптилар. Бу ишда Халқ демократик партияси аъзолари бошқаларга ўрнак бўлаяпти.

5 июнь куни М. М. Расулов Нукус шаҳридаги уйсозлик комбинати ишчилари, қурувчилар, инженер-техник ходимлари билан учрашди. Нукус ремонт заводида бўлиб, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонт қилинадиган цехларда ишнинг бориши билан танишди. Ҳозир республикада муаммо бўлиб турган кабель ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда намунали ишлар амалга оширилмоқда.

Шу куни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг мажлислар залида шаҳар ва район партия кенгашлари котиблари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлди. Йиғилишни Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши биринчи котиби А. Х. Асанов очди. Маърузачи ва сўзга чиққан нотиқлар бозор иқтисодиётига ўтилаётган шу кунларда нарх-навонинг тобора кўтарилиб бораётганига қарамай саноатда, қурилиш ва транспортда, қишлоқ хўжалигида бирмунча ишлар амалга оширилаётганлигини, аммо қурилиш материаллари, хом ашё етмаётганлиги сабабли жиддий қийинчиликларга дуч келинаётганлигини таъкидладилар. Шуниси қувончлики, партия ташкилотлари ва ХДП аъзолари қўйилган вазифаларни бажаришда бошқаларга ўрнак бўляптилар. Орол фожиаси, экологик қийинчиликлардан чиқиш учун белгиланган тадбирлар амалга оширилишига эришилмоқда. Йиғилишда шунингдек партия ташкилотлари мафкуравий, сиёсий-тарбиявий ишларни жонлантиришда тўплаган яхши тажрибаларни оммалаштириш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг бюро аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қ. Режепов нутқ сўзладилар. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ж. Суюнов қатнашди.

Р. ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

НАВОЗ ШАРИФ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хабар қилишича, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф шу йил июнь ойининг охирида Ўзбекистонга расмий ташриф буюради.

Шу мамлакат элчихонасининг нотасидан маълум бўлишича, Покистон Бош вазирининг қардош мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасига тарихий биринчи ташрифидан келгусида Покистон—Ўзбекистон муносабатлари учун негиз бўладиган бир қанча битимлар тузиш учун фойдаланиш ниятидадир. Иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.

● *«Ўзбекистон овози»га обуна бўлдингизми?*

● Қарши шаҳар партия кенгаши «Узбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларига 1992 йилнинг иккинчи ярми учун обуна уюштиришга астойдил киришди. Шунга доир масала кенгаш ижроия бюроси йиғилишида кўриб чиқилди. Шаҳар ҳудудидаги 800 дан зиёд шаҳар ва вилоят ташкилотлари, маҳаллаларда обуна ташкил этиш юзасидан тадбирлар белгиланди ва амалий ишга ўтилди.

МУШКУЛ АҲВОЛДА ҚОЛДИРМАЙМИЗ

Жойларга аппарат ходимлари чиқиб, партия рўзномаларига обуна уюштиряптилар. Кўпгина илғор корхоналар ва муассасалар раҳбарияти, партия ташкилотлари рўзнома таҳририятини мушкул аҳволда қолдирмаслик ниятида таҳририят билан шартнома тузмоқдалар. Шунингдек, ўз ходимларини, ишчилар, меҳнат фахрийларини рағбатлантириш мақсадида бепул обуна ташкил қилмоқдалар. Биз ХДП шаҳар кенгаши котиби Музаффар Туробов билан шаҳардаги ташкилотларда бўлиб ана шунга ишонч ҳосил қилдик.

Қашқадарё вилояти хўжаликлараро қурилиш кенгаши вилоят хўжаликларида капитал қурилиш бўйича буюртмачилик вазифасини ўтайди ҳамда агросаноат комплексига қарашли колхоз ва совхозлар биноларини қуради, таъмирлайди, иссиқлик, сув иншоотлари қуриш билан шуғулланади. Бир йилда қариб 70 миллион сўмлик капитал қурилиш ишларини амалга оширади.

Кенгашга бир неча йиллардан бери шаҳар партия кенгаши аъзоси Баҳром Исмоилов раҳбарлик қилмоқда. Унинг касби муҳандислик, тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги сабабли хўжаликлараро қурилиш кенгаши бугунгача 47 миллион сўмлик иш қилди. Шунинг 3 миллион 600 минг сўмлиги жамоанинг бевосита ўз кучи билан ўзлаштирилди.

Колхозлараро кенгаш республика Президенти Фармонига асосланиб, қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш ва водопровод суви ўтказиш ишларини бошлаб юборди. Кенгаш раиси Баҳром Исмоилов яқинда Брянскда бўлиб, товар айирбошлаш йўли билан 22 вагон қувур олиб келди. Хўжаликлар шу пайтгача бир километр қувурни 250 минг сўмга сотиб олаётган эди. Баҳром Исмоиловнинг ҳаракати билан энди бир километр қувур нархи 70 минг сўмга тушаяпти.

Шаҳрисабз, Косон, Чироқчи, Китоб ва Қамаши районларида газлаштириш ишлари авж олдирилмоқда. Яккабоғ районидаги «Шарқ юлдузи» ва Ульянов номли жамоа хўжаликларида 140 ўринли болалар боқчалари қуриб битказилди. Косон районидаги Ульянов номли, «Партия XXII съезди» колхозларида болалар боғчаси, Қамаши районидаги Ленин номли, «Коммунизм йўли», Шаҳрисабз районидаги «Пахтакор», Энгельс номли, Ғузор районидаги Карл Маркс номли колхозларда уй-жойлар қурилмоқда. Бу ишда кенгашнинг пудратчи ташкилоти, 1-вилоят колхоз қурилиши ва «Ҳисоракгидроқурилиш» трестлари Халилов раҳбарлик қилаётган 234-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна вилоят колхозлар қурилиши 1-трестига қарашли. Кўчма колонна бир йилда кам деганда 23 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширади. Бу ҳисобдан Қарши шаҳри ҳам четда қолаётгани йўқ. Ҳозир бунёдкорлар шаҳарда 60 ўринли шифохона, 320 ўринли мактаб, Хонобод кўчасида алкоголсиз ичимликлар заводи ва бошқа биноларни барпо этишяпти.

Кўчма колонна жамоаси Косон районидаги «Қўнғиртов» давлат хўжалиги ва Улуғбек номли жамоа хўжалигида мактаб қурмоқда. Бунёдкорлик ишларида Жомурод Абдураҳмонов, Қўлли Қаҳҳоров, Комил Собиров, Саъдулла Турсунов бошлиқ ғишт терувчи, пардозловчи ва комплектлашган бригадалар аъзолари фидойилик кўрсатишмоқда. Уларнинг ғайрат ва шижоати туфайли шу йилнинг ўтган беш ойида режадаги 8 миллион 468 минг сўмлик ўрнига 9 миллион 76 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

— Бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан келиб чиқиб қурувчиларни ижтимоий ҳимоялаш чорасини кўрганмиз, — дейди бош ҳисобчи Болта Аҳмедов.— Шунингдек, севимли рўзномамиз «Ўзбекистон овози» таҳририяти жамғармасига ҳам 10 минг сўм пул ўтказдик. Илғор қурувчилар, меҳнат фахрийларидан 20 кишини идора ҳисобидан республика рўзномасига бепул обуна қилдик. Одамларимиз бундай ғамхўрликдан беҳад шод.

Биз Қарши ёғ-экстракция заводида бўлганимизда корхона директори, ХДП шаҳар кенгаши аъзоси Насиба Қўчқорова шундай деди:

— «Ўзбекистон овози» рўзномаси хизматини сира унутиб бўлмайди. Рўзнома шахсан менинг ҳам яхшиёмон кунларимга ярраган. Бир йилда 90 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлайдиган завод учун 50 минг сўм нима деган гап. Биз, албатта, унга ҳомийлик қиламиз.

Дарҳақиқат, завод Қашқадарё вилоятида пешқадам корхона. Бир йилда 20 минг тонна юқори сифатли ёғ, шелуха ва кунжара ишлаб чиқариб, миллион-миллион сўм соф фойда олаётир. Ана шу фойда ҳисобидан корхона жамоаси шаҳар ободончилиги, уй-жой қурилишига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Ҳозир ишчилар посёлкасида 40 квартирали уй-жой қуриляпти. Корхонада атиги 12 нафар ишчи уй-жой учун навбатда турибди. Ўтган йили завод қайта реконструкция қилинди. Цехларда Германияда ишлаб чиқарилган жиҳозлар ўрнатилди. Энди корхона қуввати ҳам ошди, маҳсулотнинг сифати ҳам ёмон эмас. Истеъмолчилардан эътироз йўқ. Совун ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Барака Ҳайдарова, Нуриддин Рўзимуродов, Саъдулла Авазов, Тоҳир Қўйлиев бошлиқ бригадалар ишлаб чиқариш жонкуяри ҳисобланишади.

Корхона вилоятнинг юзга яқин колхоз ва совхози билан шартнома тузиб ишламоқда. Шу сабабли чигит, хом ашё етарли. Ҳар куни заводга 800—1000 тонна атрофида чигит келтирилаяпти. Шу ҳисобдан фойда ҳам ошмоқда. Соф фойда ҳисобидан завод «Насаф» вилоят биржасига ҳам 500 минг сўм пул ўтказиб ҳомийлик қилмоқда. Бундан ташқари шаҳар ва вилоят хотин-қизлар кенгашлари, меҳр-шафқат ва байналмилалчи жангчилар уюшмаларига ҳам ёрдам қўлини чўзаётир. Меҳнат фахрийлигига чиқаётган ишчиларга бир йўла 5 минг сўм, келинкуёвларга 2 минг сўмдан ёрдам пули берилмоқда. Бу шунчаки саховат эмас. Шу кундаги ҳаёт талаб этаётган эҳтиёж. Таҳририятимиз билан шартнома тузиб 50 минг сўм пул ўтказган ҳам ХДП аъзоси Насиба Қўчқорова бошлиқ корхона жамоаси. Биз ҳам ишингиз баракали бўлсин, омад ёр бўлсин деймиз уларга.

Қарши темир йўлига қарашли вагон депоси шаҳарда йирик ташкилотлардан бири. Депога кўп йиллардан бери ХДП аъзоси, шаҳар кенгаши нойби Борис Цой раҳбарлик қилмоқда. Шокир Султонов котиблик қилаётган депо бошланғич партия ташкилотига 29 нафар ХДП аъзоси уюшган. Улар меҳнатда ва жамоат ишларида пешқадам. Умуман депода 370 киши тер тўкади. Жамоанинг фидокорона меҳнати туфайли йилига 3150 вагон ремонт қилинаяпти. 24 минг вагон эса жорий таъмирдан чиқарилмоқда.

Депо маъмурияти Тожикистон алюмин, Муборак газни қайта ишлаш заводлари, «Қаршистройиндустрия» бирлашмаси, «Туркмангаз» қурилиш трести каби йирик корхона ва ташкилотлар билан шартномалашиб ишлаб вагонларни эгаларига ўз муддатида сифатли таъмирлаб бераётир. Бу ишларда Қўзи Маҳмудов, Шокир Султонов, Шукур Туробов, Раҳматилла Юсупов каби илғор ишчиларнинг ғайрат ва шижоати таҳсинга лойиқ. Улар смена нормасини бир ярим — икки ҳиссадан адо этишмоқда.

Рўзномамиз таҳририяти билан депо маъмурияти шартнома бўлаб жамғармага 30 минг сўм пул ўтказишга қарор қилди Илғор ишчи ва фахрийлардан 20 киши «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» рўзномаларига бепул обуна қилинди.

● Жойлардаги саъйи-ҳаракатлар, партия ташкилотларининг ташкилотчилиги, муштарийларнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасига бўлган ҳурмат ва эътибори иқтисодий қийинчиликлар давом этаётган ҳозирги оғир шароитларда рўзномамиз мушкул аҳволда қолмаслигини кўрсатаяпти.

М. КАРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

БОШ ВАЗИР СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов 3 ва 4 июнь кунлари Сирдарё вилоятида бўлди. Сафар чоғида Бош вазир қўриқ воҳанинг деярли барча шаҳар ва районларида бўлиб, саноатчилар, қурувчилар, дала меҳнаткашлари, чорвадорлар ва ғаллакорларнинг ишлари, уларнинг ҳозирги кундаги ташвиш ва муаммолари билан яқиндан танишди. Иқтисодий алоқаларнинг бузилиши туфайли саноат соҳасида жиддий қийинчиликлар вужудга келгани сабабли вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5 фоизга камайиб кетди.

Айни пайтда Бош вазир вилоят тадбиркорларининг шу кунларда олиб бораётган ишларидан қониқиш ҳосил қилганлигини таъкидлади. Сардоба қўрғонидаги Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси, вилоятдаги балиқ маҳсулотлари, сосиска, колбаса ишлаб чиқариш цехлари, қишлоқ жойларда очилаётган турли корхоналарнинг шохобчалари бунга мисол бўла олади. Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш борасида эришилаётган дастлабки ютуқларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

А. Муталов табиий офатдан катта зарар кўрган районлар, хўжаликлар, шаҳар ва қишлоқларни бориб кўрди. Меҳнаткашлар, аҳолининг турли табақалари вакиллари билан суҳбатлашди. Республика ҳукумати табиий офатдан зарар кўрган кишиларга, хўжаликларга ёрдам кўрсатиш юзасидан олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Бош вазир ғаллакор районларда бўлган пайтида вилоятда бу йил 38 минг гектар ерда мўл ғалла ҳосили етиштирилаётганини, уни ўриб-янчиб олиш учун пухта ҳозирлик кўрилаётганини ижобий баҳолади. Айни пайтда пахтачиликдаги ишларнинг анча оғирлигини таъкидлаб, бу борада йўл қўйилаётган нуқсонларни зудлик билан тугатиш учун барча зарур чораларни кўриш лозимлиги уқтирилди.

Сафар чоғида Бош вазир А. Муталовга вилоят ҳокими Б. Маҳмудов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилдилар.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

ГУЛИСТОН. 4 июнь куни Сирдарё вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятда пул муомаласи, молия-кредит хўжалиги аҳволи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Фаоллар йиғилиши иштирокчилари вилоят ҳокимининг муовини А. Кровнов, республика қишлоқ хўжалиги вазири М. Исломов ҳамда бошқаларнинг ахборотларини тингладилар ва кўрилаётган масалалар хусусида атрофлича фикр юритдилар.

Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Б. Маҳмудов нутқ сўзлади.

А. УМАРОВ.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ИШОНЧ ВА ТАЛАБЧАНЛИК

Баҳриддин РЎЗИЕВ—Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгашининг биринчи котиби. 1950 йилда туғилган. Тошкент политехника олийгоҳини, Москва ижтимоий фанлар академиясини тугатган. Меҳнат фаолиятини авточилангарликдан бошлаган. Навоий вилояти комсомол қўмитасининг биринчи котиби, Навоий шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби вазифаларида ишлаган. 1990—1991 йилларда Навбаҳор район ижроия қўмитаси раиси бўлган. Тарих фанлари номзоди, шаҳар халқ нойибидир.

МАЪЛУМКИ, кейинчалик ўзини оқламаган ҳудудий яхлитланишлар туфайли Навоий вилояти тугатилган эди. Мустақиллик шарофати билан собиқ вилоят қайта тикланди. Бироқ, янги вилоятнинг қарийб уч йил давомида Самарқанд ва Бухоро вилоятлари тасарруфида бўлиши унинг иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатди. Ана шу каби хатолар эвазига юзга яқин миллат вакили истиқомат қилаётган янги вилоятда бири-биридан мураккаб қатор муаммолар кўндаланг бўлиб турибди. Булардан энг асосийси иқтисодий танглик даврида кўп миллатли вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаровон яшашини таъминлашдан иборат. Чунки ҳозирги даврда фуқаролар асосийишталигини таъминламай, уларнинг ҳақли талаб-эҳтиёжларини ҳал этмай туриб вилоятнинг эртаги куни ҳақида ёки иқтисодиёти тўғрисида фикр юритиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимияти, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг дастлабки иш дастури, узоқни мўлжаллаган режалари тизими фақат танглик давридан тезроқ қутилиш, навоийликларни дориламон кунларга яқин орада олиб чиқишга қаратилган. Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак? Қандай йўл тутилса, аҳоли ижтимоий ҳимояга муҳтожлик сезмайди ёхуд қимматчилик шароитида дастурхони тўкин-сочин бўладими? Ҳокимият сингари бизнинг вилоят ХДП кенгашимиз фаоллари ҳозир асосан ана шу саволлар ечими масаласида бош қотиришаяпти. Бунинг устига вилоятимиз асосан саноат областидир. Бу ҳудудда 17 та кимё хом ашёси ҳамда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ишлаб турибди. Уларда минга яқин кимёгар, нурчи ва саноатчилар меҳнат қилишяпти. Уларнинг турмушини яхшилаш, бозор иқтисодиёти қийинчиликларидан эсон-омон олиб чиқиш асосий бурчимиздир.

Айниқса кўп минглаб кимёгарлар меҳнат қилаётган Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Электркимё», цемент, қурилиш-машинасозлик заводларида, Навоий ГРЭСида биз кенг кўламдаги амалий ишларни олиб боришимиз, саноатчилар, нурчиларнинг эртанги кунга ишончини кучайтирмоғимиз зарур. Бу ўринда Халқ демократик партияси аъзолари, жумладан, бизнинг кенгашимиз ижроия бюроси ташаббусни ўз қўлига олиб, ҳозирги қийин шароитда омма орасида ташкилотчилик, тадбиркорлик ишларини йўлга қўймоғи лозим. Худди шу вазифалардан келиб чиқиб яқинда биз кенгайтирилган бюро мажлисимизда биринчи галда амалга оширилиши керак бўлган ишлар тизимини, жорий йил режаларини белгилаб чиқдик.

РЕЖАЛАР асосан вилоятни иқтисодий жиҳатдан юксалтириш, ҳудудда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарор сақлаш, миллатлараро муносабатларни шакллантириш, тақчил моллар тақсимотида адолат ўрнатиш, ХДП Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишдан иборатдир. Буларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам ХДП кенгаши аввало партия раҳбар кадрларига ишонч ва талабчанлик билан муносабатда бўлиб, уларнинг кучидан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Чунки партия раҳбар кадрларисиз бугунги мушкул вазиятдан чиқиш, тўғри йўл топиш қийин. Шу боис вилоят давлат ҳокимияти органларига, саноат, транспорт ҳамда қурилиш ташкилотларига, халқ таълими, медицина соҳаларига малакали, ишбилармон кадрларни тавсия қилиш, уларнинг сайланишига эришиш учун қўлдан келган ҳамма ишни қилаяпмиз. Вилоят қайта тикланишининг ташкилий даври бўлгани учун ҳам ХДП аъзоларидан кўплаб етук кадрларимизнинг раҳбарлик лавозимларига ўтишига эришдик. Бунга мисол қилиб вилоят автотрести бошлиғи Р. Мавлонов, матлубот жамияти раиси Ж. Сафаров, агросаноат ва деҳқончилик уюшмаси бошлиғи Х. Зайниев сингари ташкилотчи ва бой тажрибали мутахассисларни кўрсатиш мумкин.

Тўғри, гап фақат партия кадрларини юқори лавозимларга кўтариш ҳақида бормаяпти. Бу билан биз партия нуфузини оширишни ҳам мақсад қилиб қўймаганмиз. Умидимиз фақат кадрларга бўлган ишончда. Ўйлаймизки, халқ таниган, кўпчиликнинг ишончига сазовор бўлган бу ва шунга ўхшаш раҳбарлар бизга ёруғ кунни кўрсатади, тақчилликдан тезроқ олиб чиқади. Бу ўринда биз якка тартибда иш кўрмаяпмиз, балки, ҳалол, виждонли ХДП аъзолари ҳисобда турган бошланғич партия ташкилотлари фикрини шубҳасиз инобатга олаяпмиз. Шунингдек, кадрлар резерви билан шуғулланишда ҳам бошланғич ташкилотлар тавсиясига таянаяпмиз. Булардан ташқари кадрлар танлашда Ўзбекистон ХДП Дастурини маъқуллайдиган партиясиз кишиларни ҳам эътибордан четда қолдирмаяпмиз. Бунда асосан меҳнат кишиси — ҳақиқий деҳқон ва ҳалол ишчи ҳисобга олинмоқда.

Кадрлар билан ишлаш, уларга талабчанлик билан ғамхўрлик қилиш, айниқса Хатирчи, Қизилтепа, Нурота, Навбаҳор районлари партия кенгашларида яхши йўлга қўйилган. Масалан, Хатирчи район ҳокими Т. Маманов яқинда ўтказган бюро мажлисида кадрларни тавсия этиш учун барча муовинларига ишонч билдирди ёки уларнинг тавсиясини инобатга олажагини таъкидлади. Ёхуд яқинда ўтказилган Навбаҳор район ҳокимлиги йиғилишида ХДП район кенгаши биринчи котиби Э. Тоғаев район ҳокими А. Алиқуловнинг сиёсий ишлар бўйича маслаҳатчиси қилиб тайинланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Худди шу ўринда яна бир қувончли ҳолат — бу яқинда Қизилтепа райони ҳокимлигига шу район ХДП кенгашининг биринчи котиби Т. Фатуллаевнинг сайланганидир.

Хуллас, биз ишонч билдирган кадрларнинг деярли барчаси босқичма-босқич раҳбарлик лавозимларига кўтарилишаяпти. Эндиги вазифа ана шу ишончнинг талабчанлик билан қўшиб олиб борилишида қолди холос. Назаримда энди кадрлар билан ишлашнинг янги усулларини топиш, улар кучидан самарали фойдаланишнинг янги-янги қирраларини изламоқ керак. Зеро, эндиликда кадрларга бўлган ишончнинг ўзигина кифоя эмас, Менимча партиянинг ташкилий тузилиши, янги аъзолар қабул қилиш, халқ нойиблари билан ишлаш, уларнинг партия гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, тарғибот-ташвиқот ишларини тубдан яхшилаш учун ҳам кадрларга янада кўпроқ масъулият юкламоқ, уларга бўлган талабчанликни тағин ҳам оширмоқ жоиз. ХДП парламент услубида ишлайдиган партия бўлгани сабабли унинг фаоллари халқ нойиблари билан яқин ҳамкорликда ишламоқдалар. Шуниси характерлики, вилоят, шаҳар, район, қишлоқ кенгашларидаги нойибларнинг 45—50 фоизга яқин қисми Халқ демократик партиясининг аъзоларидир.

Партия ташкилотимиз ана шу жойлардаги ХДП аъзолари сонини янада ошириш, уларнинг обрўсини кўтариш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга ошираяпти. 3009 нафар халқ нойибидан 1370 нафари ёки 45 фоиз қисми ХДП аъзоси. Бу катта куч, албатта. Айниқса наказлар ижросида, вилоятнинг иқтисодий ривожланишида самарали меҳнат қилаётган Р. Раҳмонов, Т. Болтаев, Н. Кучерский, О. Убайдуллаев сингари жумҳурият, вилоят нойиблари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Бироқ маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини ҳар жиҳатдан қаноатли, деб бўлмайди. Биз бундан кейин партия Дастури режаларини ХДП аъзоси бўлган халқ нойиблари орқали амалга ошириш, партиянинг нуфузини давлат органлари кўмагида кўтариш чора-тадбирларини кўрмоғимиз даркор.

Энди партияга қабул, унинг сон ва сифат жиҳатидан юксалуви хусусида тўхталадиган бўлсам, бу борадаги ишларимиз бирмунча суст. Агар Қизилтепа, Нурота районларида собиқ Компартия район ташкилотлари сафига нисбатан ХДП аъзолари сони бир қадар ошган бўлсада, Учқудуқ, Зарафшон, Навоий, шаҳарларида ХДПга қабул ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Масалан, Навоий шаҳрида 5193 нафар КПСС аъзоси бўлган эди. Афсуски, бу ерда ҳозир Халқ демократик партияси аъзолари сони 900 нафарга ҳам етмайди. Зарафшон шаҳрида илгари 1871 киши КПСС сафида эди. Эндиликда эса ХДП аъзолари атиги 412 нафарни ташкил этади. Айниқса йирик саноат корхоналарида партияга қабул ночор аҳволда. Ана шундан бўлса керак мавжуд 418 та бошланғич партия ташкилотида 13 минг 204 нафар ХДП аъзоси рўйхатга олинган. Агар буни вилоят бўйича чоғиштирадиган бўлсак, собиқ 25 минг нафар коммунистлардан 9252 нафаригина қайта рўйхатдан ўтган.

Демак, ҳали олдинда бу соҳада бажариладиган ишларимиз жуда ҳам кўп. Биз партия сафини сон ортидан қувиб эмас, балки кадрлар сиёсатига таянган ва етук ишбилармон ёшларни яхши ўрганган ҳолда ўстиришимиз шарт. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. Расуловнинг «Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устивор йўналишлари тўғрисида»ги хатида таъкидланганидек, барча партия ташкилотлари кадрлар сиёсати соҳасида тўғри нуқтаи назарни эгаллашлари жуда муҳимдир. Биронта ҳам партия ташкилотлари энг муҳими — кадрлар масалаларини ҳал қилишдан четда турмаслиги керак.

Б. РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши биринчи котиби.

ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК

Орол фожиаси, атроф-муҳитнинг тобора ифлосланаётгани халқимизни жуда ташвишлантирмоқда. Она тупроғимиз, ҳаво ва сувимиз тозалиги учун жон куйдираётган давлат ва жамоат ташкилотлари ишини мувофиқлаштириш мақсадида республикамизда «Экология ва саломатлик» (ЭКОСАН) жамғармаси тузилди.

4 июнь куни Тошкентда жамғарма презентацияси — таништирув маросими бўлиб ўтди. Унда республика жамоатчилиги вакиллари, вазирлик ва концернларнинг раҳбарлари, олимлар ҳамда чет эллик меҳмонлар иштирок этди.

Жамғарма президенти Ю. Шодиметов республикамиз ҳудудида экологик вазият инсон саломатлиғига салбий таъсир кўрсатаётгани, Оролбўйи, Хоразм, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида бу борада аҳвол, айниқса, ташвишли эканини таъкидлади. Чучук сув етишмаётгани турли касалликларга сабаб бўлмоқда. Атроф-муҳит янада ифлосланишининг олдини олиш бугунги кундаги долзарб вазифадир. Жамғарманинг фаолияти аввало ана шу масалага қаратилади.

Сўзга чиққан мутахассислар, олимлар ва вазирликларнинг раҳбарлари юзага келган экологик аҳвол ва унинг оқибатларини бартараф этиш борасидаги фикр ва мулоҳазаларини айтдилар, «Экология ва саломатлик» жамғармасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов қатнашди.

(ЎзА).

• Долзарб мавзуда суҳбат •

ЗУРРИЁТИМИЗНИ ЎЙЛАБ

● Табиат ва инсон ҳамиша уйғунликда. Бу уйғунликка путур етса, албатта, уларнинг ҳар иккиси ҳам жабр кўради. Бугунги кунда аҳолининг турли касалликларга чалинишига экологиянинг ёмонлашуви асосий сабаблардан бири бўлмоқда. Шу муаммоларни ўрганиш мақсадида республикамизда экология ва саломатлик жамғармаси ташкил этилди. ЎзА мухбири жамғарма президенти, эколог врач, фалсафа фанлари доктори, профессор Юсуф ШОДИМЕТОВ билан суҳбатлашди.

— Жамғарманинг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади?

— Суҳбатимизни қуйидаги рақамларга эътиборни жалб этишдан бошламоқчиман. Бизда ҳар ўн минг кишига 34 нафар, Америка Қўшма Штатларида 23 нафар, Японияда эса 18 нафар врач тўғри келади. Биз касалхоналардаги ўринлар бўйича ҳам дунёда олдинги қаторлардан бирида турамиз. Афсуски, рақамлар муаммони ҳал қилолмас экан. Республикамиз болалар ўртасида ўлим кўплиги жиҳатидан жаҳонда Парагвай ва Таиланд сингари давлатлардан ҳам кейин, 75-ўринда туради. Ижтимоий-экологик ва тиббий-ирсий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сўнгги 30—40 йил мобайнида одамларнинг ирсияти бузилган, руҳий-физиологик сифат кўрсаткичлари ёмонлашган, бўйи пасайиб, вазни камайган, кўкрак қафаси торайган. Ҳар йили 6 минг нафардан кўп руҳий хаста болалар туғилмоқда. Йигит-қизларимизда турли касалликларга мойиллик кучайган. Бу, айниқса, Оролбўйи, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида кўпроқ кузатилмоқда. Ер-сув ва ҳавонинг ифлосланиши инсон саломатлиғига катта зарар етказаётгани кўриниб турибди. Жамғарма шу масалаларни ҳал этишга бел боғлаган.

— Заҳарланган тупроқ ёки сувни тозалаш йўллари қандай?

— Ҳар йили ҳавога 4,2 миллион тонна заҳарли моддалар аралашмоқда. Масалан, Олмалиқ шаҳрининг ҳар бир фуқаросига 1 минг 374 килограмм заҳарли чиқит «тўғри келади». Фарғона шаҳрида бу кўрсаткич 676 килограммни, Навоийда эса 606 килограммни ташкил этади. Мазкур шаҳарларда сурункали бронхит ва дамқисмага чалинган беморлар кўп. Сувнинг ифлосланиши турли юқумли касалликларга сабаб бўлмоқда. Юртимиз аҳолисининг 50 фоизи саломатликка хавфли сув ҳавзалари атрофида истиқомат қилади. Чучук сув етишмаётгани оқибатида сариқ касали кўпаймоқда. Жамғармамиз фаолиятида тоза сув масаласи муҳим ўрин тутади. Аҳолини тиниқ сув билан тўлиқ таъминлашга эришиш сира кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан бири бўлади.

— Оналар саломатлиги — келажак насларнинг саломатлиги демакдир. Лекин аёлларимиз турли хасталикларга чалинган.

— Уларнинг 80 фоизи камқонлик касалига дучор бўлган. Оғир ижтимоий-экологик ва иқтисодий қийинчиликлар болалар ўлимининг кўпайишига сабабдир. Республикада ҳар минг боладан 34—35 нафари бир ёшга етмай нобуд бўлаётир. Экологик хатарли ҳудудларда бу кўрсаткич янада юқори.

Ўзбекистон Президенти оналар ва болалар муаммосига алоҳида эътибор бермоқда. Кўп болали оиларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. Камқонликка чалинган оналар текин озиқ-овқат билан таъминланмоқда. Бизнинг бу борада ҳам ўз дастуримиз бор. Унинг амалга оширилиши республикамиз раҳбарияти ана шу йўлда кўраётган чора-тадбирларининг тезроқ бажарилишига кўмаклашади, деган умиддамиз.

— Бизда болалар жамғармаси, «Наврўз» жамғармаси ва шу хилдаги ташкилотлар бир талай. Қанчадан-қанча идора ва комитетлар ҳам табиат ва инсон муҳофазаси устида бош қотирмоқда. Аммо ўзгариш унча сезилмаяпти.

— Табиатни аслига қайтариш — мушкул вазифа. Бизнинг асосий мақсадимиз атроф-муҳит янада ифлосланишининг олдини олиш юзасидан чоралар кўришдир. Республикамизда яхлит ижтимоий-экологик сиёсатни ишлаб чиқиш зарур. Бизнинг жамғармамиз шу йўналишдаги барча кучларни мувофиқлаштиради. У бошқалардан фарқли ўлароқ, экологиядан жабр кўраётган айрим оила ёки шахсларга ёрдам, хайр-эҳсон тадбирларини кўзда тутмайди, балки экологияга боғлиқ барча масалаларни ҳудудлараро кенг миқёсда ҳал этишга кўмаклашади. Маблағлар ҳам шу мақсадга сарфланади.

— Жамғарманинг молиявий таъминоти қандай бўлади?

— Атроф-муҳит муҳофазаси учун республика миллий даромадининг 1,3 фоизи ажратилмоқда. Афсуски, шу маблағ ҳам тўлиқ ўзлаштирилмаяпти. Ер-сув ва атроф-муҳитни булғаётган корхоналар ҳалқимиз олдида масъулдир. Бизни биринчи навбатда ана шу корхоналар қўллаб-қувватлашлари лозим.

Абдумажид АЗИМ.

САФЛАР ЎСМОҚДА

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

● Ангор район партия ташкилотларида ХДП аъзолари сони тобора кўпайиб бораяпти. Яқинда бир гуруҳ ишлаб чиқариш жонкуярлари ХДПга аъзо бўлишди. Булар орасида «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалиги агрономлари Муҳаббат Мамажонова, Нортожи Шоймардонов, босмахона ишчиси Ҳимойиддин Одинаев, «Ангор» давлат хўжалиги иқтисодчиси Шербўта Дўсчонов, шу хўжалик ишчиси Файзулла Ҳайдаровлар ҳам бор.

Райондаги хўжаликлар, корхона ва ташкилотларда ҳозир 35 та бошланғич партия ташкилотлари иш олиб боряпти. Яқинда уруш ва меҳнат фахрийлари район кенгаши қошида ҳам ХДП бошланғич ташкилоти тузилди. 29 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари шу ташкилотга уюшдилар. Айниқса, номли ўрта мактабда қарийб 40 йил ишлаган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, нафақахўр Холиёр Шодиев ташкилот котиби этиб сайланди.

Ҳ. ТОШТЕМИРОВ,
район «Илғор» рўзномаси муҳаррирининг ўринбосари.

БОҚИЙЛИККА ДАХЛДОР

● Самарқанд Шароф Рашидов тақдирида ўзгача аҳамиятга эга. Чунки у ана шу ерда олий таҳсил олди, партия, совет ва матбуот органларида фаолият кўрсатди. Энг муҳими, Зарафшон воҳасининг заргар инсонлари қалбидан муносиб ўрин эгаллади. Шу боис самарқандликлар Шароф ота номини дил тўрида эъзозлайдилар.

Яқинда ХДП вилоят кенгаши ташаббуси билан Ш. Рашидов юбилейини ўтказувчи комиссия ва унинг номидаги жамғарма ташкил этилди. ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби С. А. Нишонов комиссия раиси бўлди.

— Ушбу хайрли юмушга Рашидов билан ўқиган, ишлаган ва уни яхши билган Сагит Салиҳбоев, Субҳонқул Орипов, Шоди Носиров, Раҳим Муқимов каби меҳнат фахрийлари фаол киришдилар, — дейди комиссия масъул котиби, вилоят партия кенгаши ходими Ж. Каримов. — Дастлабки маслаҳатда улар ҳокимият олдига «Шароф Рашидов жамғармасини расмийлаштириш, Коммунистическая кўчаси ва тиббиёт олийгоҳига Ш. Рашидов номини бериш ҳамда дорилфунунда унинг лавҳасини ўрнатиш ва стипендиясини ташкил этиш таклифларини қўйдилар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУҲИМИ—СИФАТЛИ МУТАХАССИС ТАЙЁРЛАШ

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликни қўлга киритиши, истиқболда бозор муносабатларига, жумладан, меҳнат бозорига ўтиши жумҳуриятимиз олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар сифати масаласини ниҳоятда долзарб қилиб қўймоқда.

Маълумки, собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларида ҳам бу муаммонинг ўткирлиги биздагидан кам эмас. Шунинг учун республикада олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш тизимининг энг муносиб йўлларини муҳокама қилиш хусусидаги таклифга жумҳуриятимиз олий билимгоҳларидагина эмас, балки Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа қатор мустақил давлатларнинг олий ўқув юртлари ҳам фаол қатнашишга розилик билдирдилар.

Беруний номидаги Тошкент давлат техника дорилфунунида 4 июнда «Мутахассисларни кўп босқичли тайёрлаш муаммолари» мавзуида олий ўқув юртларароо илмий-методик конференция иш бошлади. Конференцияни Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. А. Абдуллаев очди.

Биринчи иш кунида Тошкент давлат техника дорилфунуни, 1 ва 2-Тошкент тиббиёт олий билимгоҳлари, Тошкент автомобиль-йўл олий билимгоҳи, шунингдек, Москва электрон машинасозлиги давлат техника дорилфунуни ҳамда Киев политехника олий билимгоҳларида ўқув-тарбия жараёнини оптималлаштириш бўйича тўпланган тажрибалар таҳлил қилинди.



Арнасой районидаги Юлдуз Фучик номли давлат хўжалиги пиллакорлари бу йилги қийин шароитда омилкорлик билан иш юритиб, мўл-кўл пилла етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ҳозир хўжаликда пилла ҳосилини териб олиш қизғин. Суратда давлат хўжалиги пиллачилик бригадаси бошлиғи Т. Худойберганова.

У. ҚУШВОҚОВ суратн.

• Ишбилармонлар бор бўлсин

УМИД

Директор келгунга қадар бош ҳисобчи Чори Умиров билан суҳбатлашишга тўғри келди.

Унинг айтишича, Ленин йўли районидаги Будённий номли давлат хўжалиги биринчи майга қадар давлат банкидан олти миллион қарз экан. Эшитиб ҳайрон бўлдик. Ахир бу хўжалик вилоятдаги энг бой хўжаликлардан бири сифатида танилган эди. Лекин гап тагида гап бор экан. Боиси биринчи майга қадар омборида 250 тонна буғдой сақланган.

Очиғи, сўмнинг қадри тушиб кетган шу кунларда банкда миллионлаб пул сақлагандан кўра омбори тўла ғалласи бўлгани афзал. Сирасини айтганда, ҳозир рўзғорининг кам-кўстдан, иқтисодининг танглиғидан нолимаган одамни учратиш қийин. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, турмушимиз у қадар ёмон эмас.

Фахрийлар кенгашининг раиси Иброҳим Эрматовнинг айтишича, шу йилнинг ўзида 40 киши моддий ёрдам сўраб келган. Одамларнинг оғриши енгил қилиш, талабини қондириш эса раҳбарлар зиммасида. Бу юмушлар кун тартибидаги асосий ташвишлар қаторида туради.

Давлат хўжалиги директори Соат Тўхтамишев билан суҳбатимиз айнан шу мавзуда бўлди.

— Шу кеча-кундузда ҳар бир хонадонга юз килограммдан буғдой тақсимлаб бераётгандай экан. Зарворли гавдаси-ю, гап-сўзлари ҳам бундан далолат бераётгандай.

Хўжаликда бу йил жами экин майдонининг еттидан бир фоизида — 780 гектар майдонда ғалла етиштирилади. Омборга 2000 тонна атрофида буғдой жамғариш режалаштирилган.

Бу кам эмасми? Гўё фикримизни уққандай директор сўзида давом этди.

— Республикамизда бир кунда икки юз вагон ғалла истеъмол қилинар экан. Буни эшитиб капалагим учиб кетди. Ҳозир вилоятимизнинг пахта тозалаш заводларида икки-уч йил илгари тойланган тола босилиб ётибди. Бундан ташқари йил давомида меҳнат қилиб, сабзавот етиштирган деҳқонлар орасида маҳсулотини ўтказолмай, молига едирганлар талайгина. Ғаллани бўлса, эҳҳе, қаерлардан, қандай нархларда олмаяпмиз?

У нимасини айтай, дегандек қўл силтади. Кўринишидан бегам, мақтанчоқдай туюлган, аслида содда дилкаш Соат ака Тўхтамишев билан суҳбатимиз тобора қизиб борарди.

Ҳисоб-китобларга кўра, хўжалик бир йилда 2700 тонна ғалла ишлаб чиқарса, ўз аҳолисининг нонга бўлган эҳтиёжини қондириши мумкин экан. Асосий мақсад ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратиляпти. Бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган. Масалан, иккита тегирмон одамлар хизматига мунтазир. Зиғир ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, қишлоқ аҳлига хўжалик ихтиёрида қолган пахта чигитидан олинган 150 тонна ёғ, кунжара сотилмоқда.

Қадим-қадимдан «олма пиш, ўзимга туш» деганларнинг ҳолига вой бўлган. Ҳозир ҳам шундай. Ишнинг кўзини билган тадбиркор, эпчил кишиларнинг ошиғи олчи. Ёдингизда бўлса бундан бир неча йил аввал бозор муносабатлари, тижорат, бизнес деган сўзлар кўпчилик учун ёт эди. Эндиликда буларнинг ҳаммаси кундалик ҳаётимизга сингиб боряпти. Ҳар биримизни елиб-югуришга, ҳаракат қилишга, йўқни йўндиришга ундаяпти.

— Мен ҳам бизнес билан шуғулланаяпман, — дейди С. Тўхтамишев. — Яқинда бир совхоздан арзон нархда беда сотиб олдим. Сенаж бостиряпман. Вақти келиб чорва учун тўйимли бўлган бу озуқа нархини икки-уч баравар ошириб сотиш мўлжалим бор.

Бугунги кунда тижорат билан шуғулланишнинг айби йўқ. Аксинча, ҳалол тижорат савобли иш. Бироқ икир-чиқирларга ўралашиб қолмаслик керак. Донишмандлар айтганидек, «эшак миниб, оёқ тагини кўргандан кўра туя миниб узоқни кўзлаган» маъқул.

Будённий номли давлат хўжалигида ғишт заводидан ташқари йирикроқ бирон фабрика, цех ҳам йўқ. Агар шуларни қуриш ҳақида ўйлаб кўрилса, сенажга бостиришдан олинадиган даромадга қараганда юз чандон кўп фойда қилинарди.

— Ғўзанинг ривожи қандай, — сўраймиз ундан.

— Ёмон эмас. Бу йил яхши ният билан 2990 гектар майдонга чигит қадаганмиз. Экинга комплекс ишлов бермоқдамиз. Насиб этса бошқа соҳалар ҳам кам бўлмайди. Фақат чорвамиз чатоқроқ-да. Хом-чўтимизга кўра йил якунида 250 миллион сўм даромад оламиз.

— Лекин одамларни пул билан тўйғазиб бўлармикан? — сўраймиз ундан.

Соат ака индамади. Фақат кулиб қўя қолди.

Биз эса унинг бу табассумидан эртанги кунга бўлган қатъий ишонч ва умидворлик туйғусини ҳис этдик.

М. ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ПОЛ УЧУН ҚОПЛАМА

Тошкент давлат техника дорилфунуни мутахассислари тайёрлаган модда билан қопланган полларга ҳеч қандай шикаст етмайди. Яхлит бетон поллар устини қоплаш учун мўлжалланган янги ҳимоя қопламаси ўта бардошлилиги билан фарқ қилади.

Янгилик кимё, электротехника, радиоэлектрон, мебель саноати корхоналарида, шунингдек босмахоналар цехларида фойдаланиш учун тавсия этилди.

ЛАЗЕР—ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА

Ўзбекистон давлат сув хўжалиги қурилиши комитетининг «Оргтехстрой» илмгоҳида яратилган лазер пости мелиорация ва қишлоқ хўжалик ишлари самарадорлигини анча оширади. У телескопик қурилма билан жиҳозланган ярим шатак шаклидадир. Бундай шатакни даланинг исталган жойига тезда олиб бориш мумкин. Лазер қурилмаси янги ерларни ўзлаштириш ва эскитдан суғориладиган ерларни таъмирлашда қўлланилади. Ундан далаларни текислашда, коллектор — зовур тармоқларини қуришда муваффақият билан фойдаланиш мумкин.

(ЎзА мухбири).

8, душанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.15 Ўйинқароқ болалар». Мультфильм. 18.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади 18.40 «Дастлабки қадамлар» 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Фитрат ва мусиқа». 19.50 «Маорифимиз муаммолари». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Юлдуз Усмонова куйлайди. 21.35 «Аёллар». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Совға». 19.00«Ассалому алайкум» (такрор). 20.00 «Лаҳза». Хабарлар 20.25 «Ўтмишсиз келажак йўқ» 21.15 «Лаҳза». Хабарлар. 21.25 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм

«ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

Профилактика муносабати билан душанба, 8 июнь куни «ОРБИТА IV» кўрсатувлари соат 5.55 дан 15.40 гача ЎзТВ I канали орқали намойиш этилади.

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 Мультфильмлар. 9.10 «Саксофон овози». Телефильм премьераси. 9.30 «Профессор Доуэлнинг васияти». Бадиий фильм («Ленфильм»). 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Қадимий романс». Н. Некрасов раҳбарлигида А. Эйзен ва Аорни чаладилар.

18.05 Кўрсатувлар тартиби 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бу бўлган, бўлганди»... 14.40 «Ҳалокат». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм») 15.40 «Ҳордиқ чиқар». 16.05 «Кўп овоз — дунё битта». «Джайпа» (Исландия). 16.15 Болалар ойнаи жаҳони уюшмаси таништиради. «Болалар фестивали меҳмонлари». 17.00 Янгиликлар. 17.25 «НЭП». 18.00 Футбол шарҳи. 18.30 «Урушдан узоқда». Бадиий фильм («Белорусфильм»). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 Спорт кўрсатуви. 20.40 Янги студия таништиради: «Бомонд», «Муаллифлик қўшиғи», «Санкт-Петербургдан мактуб». Танаффус пайтида — 23.00 Янгиликлар. 00.15 «Ҳалокат». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Мосфильм»).

9, сешанба

ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Янги эртак». Мультфильм. 18.25 «Кичкинтой» студия. 18.55 Спортлото. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Сиҳат-саломатлик». 20.10 «Сато». Телефильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Қишлоқ аҳли учун техника хизмати янгиликлари. 21.05 «Ўзбекистон — Саудия Арабистони». Видеофильм. 1-қисм. «Тошкент — Жидда». 22.25 «Ганга қизи». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

10.30 «Дарахт ва унинг новдалари». Фильм-концерт. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Туркистон чечаклари». Еш ижрочиларнинг ҳисобот концерти. 19.40 «Шарқ лирикаси». Машраб. 20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида. 21.20 Эълонлар. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35. «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 Кўрсатувлар тартиби. 8.25 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Мексика). 9.10 Мультфильмлар. 9.45 «Урушдан узоқда». Бадиий фильм («Белорусфильм»). 11.00 Янгиликлар. 11.20 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).

12.55 Кўрсатувлар тартиби. 13.00 «Бридж». 13.25 Адам Смит бойлиги дунёси. 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Ольга Иванова сабоқлари». 14.35 «Ҳалокат». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.35 Мультфильмлар. 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.25 «Қишлоқ хроникаси». 17.55 Авиакосмик салон. 18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 18.55 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Эркаклар билан осон эмас». Бадиий фильм (Югославия). 21.45 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 22.05 «Веди» 22.45 Телефильм. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Тўққизталик». 00.10 «Ҳалокат». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

10, чоршанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Мусиқа жавони». 8.15 «Ямбўй ажинаси». Бадиий фильм. 9.45 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.15 «Қалб даъвати». Ҳужжатли фильм. 10.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ёлғончилар қасри». Мультфильм. 18.30 «Шахсий хўжаликлар истиқболи». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Саноатимиз одимлари». «Кумуш қанотлар парвозга шайланмоқда. 19.50 Анъаналар этади давом. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ўзбекистон — Саудия Арабистони». Видеофильм. 2-қисм. «Жидда—Макка». 21.40 «Ижод саҳифалари». Низомий Ганжавий.

ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.40 «Ўзбекистон рассомлари». Раҳим Аҳмедов. 20.20 «Бўстонликда баҳор». Манзарали фильм. 20.30 С. Злотников. «Телба ҳаёт». М. Горький номидаги Рус Давлат Академик драма театрининг спектакли.

«ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.30 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 Кўрсатувлар тартиби. 8.25 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.55 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 10.15 Мультфильмлар. 10.30 Тиббиёт сиз учун. 11.00 Янгиликлар. 12.05 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. АҚШ — МДҲ терма командалари. АҚШдан кўрсатилади. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.55 «Кучукни ҳисобга олмаганда уч киши қайиқда». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.00 «Ғолиблар билан биргаликда». 16.15 «Болалар мусиқий клуби». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.55 «Телевизион танишув». Урмас Отт Анжей Вайда билан суҳбатлашади. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Халқ куйлари. 20.35 «Вилкодаги келинчаклар». «Х» студияси (Польша). 22.25 «Қора қути». 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Ғолиблар триумфи». «Вечерняя Москва» рўзномасининг хит-паради.

11, пайшанба

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 Футбол. «Ўйингоҳлардан дараклар». 7.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаров куйлайди. 8.30 «Дипломли қассоб». Бадиий фильм. 9.35 Араб тили. 10.05 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ялангликдаги ҳазина», «Кел, дўстлашайлик». Мультфильмлар. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Қалбда туғён бўлмаса...» 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Боғбон ва соҳибкорларнинг долзарб юмушлари». 19.50 «Оддий кун». Манзарали фильм. 20.00 «Ҳукумат тадбирлари». «Иқтисодий ислоҳот». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ўзбекистон — Саудия Арабистони». Видеофильм. 3-қисм. «Жидда — Мадина». 22.00 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

10.30 «Баҳодир». Телефильм. 11.00 С. Сиёев. «Бозор кўрмаган йигит». Видеофильм. 12.20 Камер куйлардан концерт.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Табассум». 19.00 «Бизнинг интервью». 19.20 «Имконият». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатуви. 21.40 «Пульс». Хабарлар. 21.50 Эълонлар. Кинонигоҳ.

«ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

4.55 Кўрсатувлар тартиби. 5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.50 Мультфильм 10.00 Янгиликлар. 10.20 Мусулмон байрами Қурбон ҳайити. 11.20 Кўрсатувлар тартиби. 11.25 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан). 12.05 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. АҚШ — МДҲ терма командалари. АҚШдан кўрсатилади. 13.05 Кўрсатувлар тартиби. 13.10 «Телемикст» 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 14.55 «Кучукни ҳисобга олмаганда уч киши қайиқда». Телевизион бадиий фильм 2-серия. 16.00 «Ғолиблар билан биргаликда». 16.15 «Болалар мусиқий клуби». 17.00 Янгиликлар. 17.20 Кўрсатувлар тартиби. 17.30 «... 16 ёшгача ва ундан катталар». 18.10 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 18.55 «Телевизион танишув». Урмас Отт Анжей Вайда билан суҳбатлашади. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Халқ куйлари. 20.35 «Вилкодаги келинчаклар». «Х» студияси (Польша). 22.25 «Қора қути». 23.35 Кўрсатувлар тартиби. 23.40 «Ғолиблар триумфи». «Вечерняя Москва» рўзномасининг хит-паради.

12, жума

ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт. 7.55 «Темир хотин». Бадиий фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 11.15 «Анъана ва замон».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Карнайгул», «Тимсоҳ-мушук». Мультфильмлар. 18.30 «Мерос». Мулло Юсуфий. 19.00 «Ўзекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Акс-садо». «Табиб» кўрсатуви хусусида. 20.00 «Ҳукумат тадбирлари». Иқтисод ва истиқлол. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари». Андижон вилоятидан кўрсатув. 22.10 Бадиий фильм.

ЎзТВ II

10.30 «Маҳом». Фильм-концерт. 11.00 «Лев Гурич Синичкин». Бадиий фильм. 12.15 «Ёшларга таянч керак».

«ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

6.20 Кўрсатувлар тартиби. 6.25 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». 2-серия (Германия). 6.55 Янгиликлар. 7.30 Мультфильм. 7.55 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?» 8.10 Футбол. Европа чемпионати. Дания-Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 9.50 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10.35 «Кетмоқ — қолмоқ». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 11.25 «Мусиқадаги шеърият». 11.55 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 12.35 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Бахт кўрфази». Бадиий фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.20 Кўрсатувлар тартиби. 14.25 «Кремлда бир кун». 15.05 «Россия тонг отари». 16.35 «ТВ-Нева». «Ким биз билан». 16.55 Мультфильм. 17.00 «Кинода унутилмас саҳифалар». 17.45 «Муранодаги кубок». Телевизион бадиий фильм. 18.50 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «ВИД» таништиради: «ТОК-ШОУ», «Хордиқ чиқар». 21.45 В. Вивальди. Концерт. 22.00 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — Шотландия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — 23.00 Янгиликлар. 00.25 «ВИД» таништиради: Россия озодлиги кунига бағишланган концерт. 01.55 «Инспектор Гулл». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.

13, шанба

ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум». 8.00 «Зулматни тарк этиб». Бадиий фильм. 9.35 «Ўзбекистон спорти». 10.05 «Саодатли санъат сайёралари». Фильм-концерт. 10.45 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 11.25 «Таълим ва маданий мерос». 12.05 «Эл тинчлиги йўлида». 12.35 «Мушоира». Адабий кўрсатув. 13.10 «Ҳамкорлик асосидаги манфаатдорлик». 13.50 «Талабалик йилларим». 14.35 «Оила».

18.00 «Лола ҳақида қисса». Мультфильм. 18.15 «Осиё халқаси». Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари болалар амалий декоратив санъат кўргазмаси. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Чолғу куйларидан концерт. 19.40 «Кино жавонидан». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 «Юлдуз» шуъласи. 21.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад». 22.35 «Ҳаётнинг бошланиши». Бадиий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

«ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

5.50 Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Ишбилармон кишилар шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Труба» радиоси. Дам олиш кўрсатуви. 8.00 «Марказ». 8.40 «Эльдорадо». 9.10 «Мусиқий дўкон». 9.40 «ЭХ». Экологик хроника. 9.55 Футбол. Европа чемпионати. МДҲ — Германия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.25 «Волхонкадаги уй». 12.15 «Иккинчи жаҳон уруши даврида немислар». 1-фильм. «Урушга кириш». 14.00 Янгиликлар. 14.20 «Зазеркалье». Бадиий фильм. «Гўзал Ойсулув ҳақида ривоят». («Қозоқфильм»). 15.40 «Лизюкова кўчасидаги мушукча». Мультфильм. 15.50 «Қизил квадрат». 16.30 «Усталар билан учрашув». К. Бергонци, И. Перльман. 17.00 «Меценат Савва». 17.45 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм премьераси. 18.10 «Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Анна Каренина». Бадиий фильм (АҚШ). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 Кўрсатувлар тартиби. 20.25 «Аншлаг, аншлаг». «Қопдаги кулгу». 21.50 «М. И. Илинка. Романслар». Фильм-концерт. 23.00 Янгиликлар. 23.35 Волейбол. Жаҳон лигасининг биринчилиги. Эркаклар. МДҲ —Япония терма командалари. «Динамо» спорт саройидан кўрсатув. 00.35 Енгил атлетика. 01.05 «Инспектор Гулл». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.

14, якшанба

ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Болалар». 10.00 «Бўстонликнинг зиё масканлари». 10.40 «Эл хизматида». Адабий кўрсатув. 11.20 «Ур, тўқмоқ!». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли. 12.15 «Партизан ертўласининг сири». Бадиий фильм. 13.20 «Коллеж истиқболи». 14.00 «Халқ севган достонлар». Абдуназар Поёнов. «Авазхоннинг туғилиши». 15.00 «Эътиборталаб соҳа». Ўзбекистонда канопчиликни ривожлантириш ҳақида. 15.30 «Юксалиш сари».

18.00 Мультфильмлар. 18.30 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бу ерга қуёш яқин». Кинокўрсатув. 19.50 «Хотира». Ориф Ҳакимов. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Уйимизда тинчлик-осойишталик бўлсин!». 21.40 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 22.35 «Шоқол учун қопқон». Бадиий фильм.

«ОРБИТА IV»
ОСТАНКИНО

5.20 Кўрсатувлар тартиби. 5.25 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.40 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. 8.10 «Троица» рус байрами. 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.10 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин» 9.40 «Тонг юлдузи». 10.30 «ПИ» белгиси билан. 11.20 «Эҳ, Малика». Мультфильм 11.30 «I»даги нуқта. 12.10 «Янги авлод танлайди». 13.00 «КВН-I» ҳамда «Франс интернасионал» канали таништиради: 13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. (Франция). 14.00 Янгиликлар. 14.15 Кўрсатувлар тартиби. 14.20 «Саёҳатчилар клуби». 15.10 «Кўп овоз — дунё битта». Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Оилавий жанжал» (Ўзбекистон). 15.20 А. Вивальди. Концерт. 15.30 «Уолт Дисней таништиради...» 16.20 «Эфирда бевосита мулоқот». 17.00 «Панорама» 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Нима?». «Қаерда?». «Қачон?» 19.00 «Якунлар». 19.45 «Телелоция». 20.00 Москвада П. И. Чайковский номидаги I Халқаро болалар кўригининг очилиши. 22.15 Янгиликлар. 22.30 «Н-Венд» группаси: солист Н. Челобанов. 23.00 Футбол. Европа чемпионати. Швеция — Дания терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — 24.00 Спорт кўрсатуви. 01.00 Кўрсатувлар тартиби. 01.05 «Беш плюс», 01.55 «Гамлет» мавзуида мулоҳазалар. Д. Шостакович мусиқаси ҳақида фильм-балет.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

Жамғарма Банки

Меҳнат жамғармалари ва аҳолига қарз бериш Ўзбекистон Республикаси банки, яъни Жамғармалар банки, давлат-тижорат банкидир. Жамғармалар банки томонидан жалб этилаётган пул маблағлари аҳолига қарз бериш ҳамда ягона давлат пул-кредит сиёсатининг бош йўналишига мос равишда бошқа мақсадлар учун фойдаланилмоқда.

Аҳоли омонатларининг Жамғармалар банкида сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишига давлат томонидан кафолат берилади. Бу эса 15 миллиард сўмдан ортиқроқ жамғармаларни сақлаётган 7 миллион омонатчининг манфаатларига мос келади. Жамғармалар банкининг бошқа тижорат банкларидан афзал томони унинг юксак ишончлилигидадир. Дарҳақиқат, бошқа тижорат банкларининг ҳеч қандай мажбуриятлари бўйича давлат маъсулиятини ўз зиммасига олмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг барча ҳудудида Жамғармалар банкининг бўлим ва филиалларининг кенг тармоғи мавжуд. У ўз мижозларига 80 хилдан ортиқ хизмат турларини кўрсатмоқда. Талаб қилиб олгунча омонатлар, муддатли омонатларнинг барча турлари, болаларнинг мақсадли омонатлари, коммунал хизматлар учун пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаш, чек дафтарчаси, ҳисоб чеки, пул-буюм лотереяси, ютуқли омонатлар, хусусий темир қутилардан фойдаланиш ва бошқа кўплаб хизмат турлари жумҳуриятимиз фуқароларига манзур бўлмоқда.

Жамғармалар банки турмушимизга шу қадар сингиб кетганки, биз ўз ҳаётимизни унинг кенг ва кўп қиррали хизматисиз тасаввур қилолмаймиз. Жамғармалар банки хизматидан ҳар куни жумҳуриятимизда чорак миллиондан ортиқ киши фойдаланаётганлиги ҳисоблаб чиқилган.

Илғор чет эл тажрибасига таяниб, иш услубини мунтазам такомиллаштириб бораётган жамғармалар банки ўз шахсий бюджетини тўғри ташкил этишни, даромадларидан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишни ва ўз вақтини тежашни истаган ҳар бир кишига ёрдам беришга тайёрдир.

КЎПАЙТИРИЛГАН ФОИЗ — БУ ҲАҚИҚАТ! ЯГОНА ЙЎЛИ: ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИДА МУДДАТЛИ ОМОНАТ ОЧИНГ!

Омонатнинг бу турига тўланадиган даромад жамғармангизни сақланиш муддатига боғлиқдир:

1 йилдан 3 йилгача — йилига 7 фоиздан;

3 йилдан 5 йилгача — йилига 10 фоиздан;

5 йилдан ортиқ муддат учун йилига 15 фоиздан даромад тўланади.

Агар омонатингиз белгиланган муддатдан кўпроқ сақланадиган бўлса, шартлашилган бутун сақланган муддатга Сизнинг жамғармангизга кўпайтирилган фоиз қўшиб ёзиб турилади.

Омонатчи ўзи қўйган жамғармасининг қолдиғига қўшиб ҳисобланган фоизларни олиш ҳуқуқига эгадир, яъни 1 йилдан 3 йилгача бўлган муддатга қўйилган омонат учун тўланадиган фоизлар 1 йил ўтгандан сўнг тўлана бошланади ва худди шунингдек, 2 ва 3 йилдан сўнг ҳам; 3 йилдан ортиқ киши фойдаланаётганлиги ҳисоблаб чиқилган. 3, 4 ва 5 йил ўтгандан сўнг, 5 йил муддатдан юқори бўлган муддатга қўйилган омонат учун 5 йил ўтгандан сўнг фоизларни олишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Жамғарма банки — Сизнинг хизматингизда!

БОЛАЛАРНИНГ МАҚСАДЛИ ОМОНАТЛАРИ

— болаларнинг тўйнга керакли бўлган миқдорда пул тўплашда ёрдам беради

— болаларни мустақил ҳаётга қадам қўйганда қўллаб-қувватлайди.

Бундай омонатлар 16 ёшгача бўлган болаларга қариндошчилик алоқаларидан қатъи назар қабул қилинади.

Омонат 10 йил сақланганда ва бола 16 ёшга тўлгандан сўнг йиллик 15 фоиз ҳисобидан даромад тўланади.

Қўшимча пуллар исталган миқдорда нақд пул билан бўлганидек, нақд пулсиз ўтказиш йўли билан ҳам қабул қилинади. Омонатдан қисман пул берилмайди.

Мақсадли омонат — боланинг мустақилликка қўйган биринчи қадамидир.

Бунда энг яхши ёрдамчи Ўзбекистон Жамғарма банки!

АГАР СИЗ ТУРАР ЖОЙИНГИЗНИ ЎЗГАРТИРГАН БЎЛСАНГИЗ ПУЛИНГИЗНИ ЎЗ ҲИСОБ СЧЕТИНГИЗДАН ОЛИШГА ШОШИЛМАНГ!

Сиз Ўзбекистон Жамғарма банкининг хоҳлаган муассасасига жамғармангизни бошқа жойга ўтказишга, жамғармангиз бўйича ҳисоб счетингизга ёзиш учун ёки ўтказилган пулни тўлаш учун топшириқ беришингиз мумкин.

Хоҳишингизга кўра жамғармангизни ҳаммасини ёки маълум бир қисмини бошқа жойга ўтказиш мумкин ва шунингдек, нақд пулни Ўзбекистон Жамғарма банкининг бошқа шаҳарлар ва ноҳиялардаги бўлимларида тўлаш мумкин.

Сиз омонатингиз кўчириб ўтказилгунга қадар телеграф орқали тасдиқланганидан кейин ҳам ўз пулингизни олишингиз мумкин ва шунингдек, омонатингизни телеграф орқали ҳам кўчириб ўтказишни талаб қилиб олишингиз мумкин.

ЖАМҒАРМА БАНКИНИНГ ҲИСОБ ЧЕКИ

Сизга Ўзбекистон Республикасининг ҳамма ҳудудида саноат моллари ва хизматнинг кўп турларига ҳақ тўлашда нақд пул ўрнини босади.

Ҳисоб чеки — худди шунингдек, йўлда, сафарда ҳам пулингизни сақлашда қулайдир.

Ҳисоб чеки 4 ой мобайнида ҳақиқий ҳисобланади.

Ўзбекистон Жамғарма банки — Сизнинг хизматингизда!

ЎЗ ВАҚТИНИ ҚАДРЛАГАНЛАР УЧУН ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМА БАНКИ

Якка тартибда ва узоқ муддатли топшириқга кўра уй, газ, электр энергияси, телефон, болалар муассасасига, коммунал ва бошқа хизматларга тўлаш учун нақд пулсиз жамғармангиз ҳисобидан олиш йўли билан ҳисоб-китоб қилишни амалга оширади.

Топшириқ варақаларини расмийлаштириш учун бланкаларни Ўзбекистон Жамғарма банкининг истаган бўлимидан олишингиз мумкин.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ЗАМОНАВИЙ КИШИНИНГ ИШ УСЛУБИДИР!

БИЛАСИЗМИ, ЖАМҒАРМАНГИЗНИ ФАҚАТГИНА НАҚД ПУЛ БИЛАН ЭМАС, НАҚД ПУЛСИЗ ҲАМ КЎПАЙТИРИШ МУМКИН

Бунинг учун ўзингиз ишлаётган корхона, ташкилот ёки жамоа хўжалигининг муҳосиба бўлимига Жамғарма банкида сақланаётган жамғарма счетингизга пул ўтказиш тўғрисида ариза ёзишингиз лозим бўлади.

Сиз жамғармангизга ойлик маошингиздан, нафақа пулингиздан, белгили хизмат муддатини адо этганлик учун тўланадиган имтиёз пулидан, суғурта пулидан, давлатга сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва воситачи дўконлар орқали сотилган буюмларнинг пулидан ўтказишингиз мумкин.

Ўзбекистон жамғарма банки шахсий бюджетингизни тўғри йўлга қўйиш, даромадларингиздан мақсадга мувофиқ фойдаланишда ва вақтингизни тежашда энг асосийси нақд пул билан боғлиқ бўлган ташвишдан ҳолис қилади.

Ҳурматли омонатчилар! Ўзингизни қизиқтираётган хизмат турлари билан шаҳар жамғарма банки бошқармасида танишишингиз мумкин.

Телефонлар: 33-51-95, 33-78-02. Ўзбекистон жамғарма банкидаги телефонлар: 45-35-49, 45-66-43.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси Ўзбекистон бўлими академия президенти Тошпўлат Тожиддиновга умр йўлдоши

Замира САНАҚУЛОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тумани совети қошидаги «Тошкент» ишлаб чиқариш савдо тадбиркорлик фирмаси жамоаси фирма бош директори, «Ахад» хусусий фирмасининг эгаси А. Шоолимовга падари бузруквори

Абдусалом ШООЛИМ Ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Техника доригфунуни ректорати, касаба уюшмаси, механика нуллиётти жамоаси, «З-олий риёзиёт» таҳсилгоҳининг доценти В. О. Раззоқовага опаси

Раъно Облақуловна ОБЛАҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

8 – 14 июнь

ТУРУНГ

• *Муҳаррирга мактуб*

САДАҚАНГИЗ КЕТАЙ ЯХШИЛАР

Мен ёлғиз яшайман. Ҳаёт тасодифлари туфайли тақдирим шундай бўлди. Наилож?! Ҳайҳотдай ҳовлида бир ўзимман. Уй-жой бўлгандан кейин ҳали у ери, ҳали бу ери ишдан чиқади. Деворлари нураб боради... Тузатишга эса на маблағим ва на кучим етади. Бир ёғи кексалик, у ёғини сўрасангиз ногиронман.

Ўйлаб-ўйлаб ўзим истиқомат қилаётган Ҳамза район ҳокимиятига ёрдам сўраб бордим. Мени у ерда илиқ қарши олишди. Қўлимга бир пиёла иссиқ чой тутишди. Ҳол-аҳволимни сўрашди. Шундай меҳрибон, ғамхўр одамларимиз борлигига минг қатла шукурлар бўлсин. Қувонганимдан йиғлаб юбордим. Уларга юрагимни ёздим. Қўшним билан ўртамиздаги девор ҳамон олинмаганди. Ҳокимият етти юзта ғишт ёрдам берди. Мана энди ҳовлим қутичадек чиройли бўлди. Улар яна ёрдам беришмоқчи. Барака топишсин. Мендек ногирон бир инсонга қилаётган мурувватлари ўзларига юз бора яхшилик бўлиб қайтсин. Ҳар гал ҳокимиятга борганимда мени илиқ кутиб олиб, ёрдамга қўл чўзган ўғилларим — Ҳамза район ҳокимининг муовини Шошуҳрат Худойбердиев, ҳокимият ишбилармонлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлим мудири Суръат Аҳмаджонов ва унинг муовини Нодир Шайховларга рўзномангиз орқали раҳмат айтгим келади.

Турсуной ҲАЛИЛОВА,
Тошкентдаги Миршаропов номли маҳалла.

ИШЛАМАГАН ТИШЛАМАЙДИ

● Республика раҳбарияти қишлоқ хўжалиги устиворлигини оширишга кун сайин катта эътибор бермоқда.

Жамоа ва давлат хўжаликларига, деҳқонлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат томонидан қўшимча мадад бериш мақсадида қишлоқ хўжалик корхоналарини 1992 йилнинг 1 июнидан бошлаб қўшимча қийматдан солиқ тўлашдан озод қилинганлиги айни муддао бўлди. Биз буни кўпдан бери истардик. Чунки топган фойдамизнинг каттагина қисми солиққа кетаётганлиги очиғини айтганда қалбимизни тирнарди.

Ҳар йили пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришдан миллион-миллион сўм фойда оламиз. Лекин фойданинг анча қисми маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига сарфланиб, баракаси учиб кетарди. Бунинг устига бюджетга кетадиган солиқ. Бунинг турган-битгани манфатдорликка зиён. Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтиш туфайли қишлоқ хўжалик машиналари, ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар нархи осмону-фалакка чиқиб кетганлиги харажатларни сунъий равишда оширди. Шундай қийин пайтда Президентимизнинг Фармони хўжалигимизга катта мадад бўляпти.

Ҳамдам КАРИМОВ,
Қаршн районидаги Акмал Икромов номли совхоз директори.

• *Ривоятлардан*

ПАЙҒАМБАРИМИЗ ПОЛВОН БЎЛГАНЛАР

Равиллар андоқ ҳикоят қилғанларким, Муҳаммад Алайҳиссаломнинг оталари Абдуллоҳ бола туғилмасдан она қорнида 6 ойликда тижорат сафарида Мадинада вафот этган эканлар, 3 ёшларида оналари биби Амина ҳам вафот этган.

Боболари Абдулмуталлибнинг қарамоғида 6 ёшгача бўлиб, у киши ҳам вафот этгач, амакилари Абдутолибнинг тарбиясида бўлган эканлар.

Муҳаммад Алайҳиссаломнинг ўзларига ўхшаш етимлардан 40 та ўртоқлари бор экан.

— У зот ёшлигиданоқ ёй отиш-у, курашга қизиқар эканлар. Муҳаммад Алайҳиссалом билан замондош Абужаҳил ибни Ҳишом яшар эди. Унинг отаси Ҳишам Маккананинг амири бўлиб, 160 қабила унинг фармонида эди. Абужаҳилнинг ўзига ўхшаш 400 нафар ўртоқлари бор эди. Ўшал замонда ҳам камбағалларни, етимларни менсимай, уларни масхаралаш одатлари бўлган эди.

Бир куни Абужаҳилнинг ўртоқлари билан Муҳаммад Алайҳиссаломнинг дўстлари ўртасида «болалар уруши» бўлиб, 40 етим бола Абужаҳилнинг 400 дўсти устидан ғалаба қозонибдилар. Шу-шу Абужаҳил Муҳаммад Алайҳиссаломга душман бўлиб қолган экан. Абужаҳил 16 ёшида курашда доимий ғалаба қозониб, ҳар куни 4—5 йигитчани йиқитар экан.

Бир куни Муҳаммад Алайҳиссаломни курашга чорлабди. Муҳаммад Алайҳиссалом хўб бўлади. Фақат шартим бор, дебдилар. Бугун сен 5 йигитчани йиқитдинг. Агар бу кун сен билан курашсам йиқиласан! Чарчаб эдим, шунинг учун йиқилдим, деб важ қиласан. Эрталабгача дам олиб келі Шу майдонда кураш тушамиз, дебдилар. Шунда Абужаҳил мағрурланиб: «Ана, Муҳаммад мен билан кураш тушишга чўчимоқда, ғалга солмоқда», деб мақтанибди. Шунда кураш ҳакамлари Муҳаммад Алайҳиссаломнинг сўзларини маъқуллаб, эй Абужаҳил! Муҳаммад сендан чўчиётгани йўқ, сени эртагача куч тўплаб келишга даъват этмоқда, дейишибди.

Эртасига Макка аҳли кўпчилик бўлиб кураш майдонига йиғилибдилар.

Кураш олдидан Абужаҳилнинг отаси Ҳишам айтди, ё Абутолиб, ё Аббос. Агар сенинг етиминг менинг ўғлимни курашда йиқитса, мен сенларга 200 тева (туя) берурман. Агар менинг ўғлим Муҳаммадни йиқитса, сенлар менга нима берасизлар? Аббос ўрнидан туриб, агар сенинг ўғлинг Муҳаммадни йиқитса 500 та қўй, 200 та тева бераман, дедилар.

Ҳакамлар Абужаҳил билан Муҳаммадни кураш майдонига олиб келдилар. Абужаҳил Муҳаммадни белидан маҳкам ушлаб кўрмоқчи бўлди. Ҳарчанд куч билан ҳаракат қилди, ҳечам ердан кўтаролмади. Шунда ерга қараб: Эй Муҳаммад, оёғинг ерга михланганми, деди. Гал Муҳаммад Алайҳиссаломга келди. Абужаҳилни белидан маҳкам сиқиб, бошларига кўтариб, ерга урдилар. Ердан кўтариб, осмонга отиб юбордилар. Абужаҳилнинг отаси Ҳишам дод солиб, фарёд билан йиғлаб, соқолини юлиб, ўзини ерга отди.

Бас, Муҳаммад Алайҳиссалом осмонга қарадилар. Кўрсалар Абужаҳил оёғи осмонда, боши ерга бўлиб келаётир. Қўллари билан ушлаб, ерга қўйдилар. Абужаҳил ҳушсиз эди. Абужаҳилнинг отаси яна фарёд билан йиғлаб, бошига тупроқлар сочди. У дарғазаб бўлиб, Муҳаммад Алайҳиссаломга тиғ урмоқчи бўлди. Муҳаммаднинг амакилари Амир Ҳамза тиғ билан Ҳишамнинг бошига бордилар. Ҳишам улардан чўчиб, тиғни қинига солди. Боласини кўтариб уйига қайтди.

Дўстлар шод, мунофиқлар ғамгин ҳолда курашхонадан қайтдилар.

Қисса тамом. Аммо ҳикояни ўқиб шундай хулосага келдим. Бундан 1400 йил илгари араб ва бошқа халқларда курашлар бўлган экан. Мен ҳозир 80 ёшдан ошдим. Ёшлигимизда шаҳримизнинг ҳамма даҳаларида кураш майдонлари бўлиб, ёш болалар, йигитлар, ҳатто кексалар ҳам баҳорги байрамларда майдонларда кураш тушар эдилар.

Республика Физкультура ва спорт давлат қўмитаси кураш тушиш урф-одатимизни тиклашга ҳаракат қилса, соз иш бўлар эди.

Абдуфаттоҳ қори НАБИХЎЖАЕВ тайёрлаган.

• *Сендан ҳаракат*

ШИША СИНИҚЛАРИ— ХОМ АШЁ

● Аввало, Нурмат Исроилов ҳақида бир калима сўз. У асли тошкентлик, ҳасос шоира Зулфиянинг акаси. Нурмат Исроилов 1935—1937 йилларда Хоразм вилояти партия комитетининг масъул котиби ва воҳада халқ хўжалигини юксалтириш ишлари раҳнамоларидан бири сифатида кўпнинг қалбига жо бўлган инсон. Унинг муборак номи эса адабийлаштирилган. Вилоят ижроия қўмитасининг қарори билан Урганч ремонт заводи олтмишинчи йиллардаёқ Нурмат Исроилов номи билан атала бошлаган эди. Завод эса неча йиллардан буён воҳадаги пешқадам корхоналардан бири ҳисобланади...

АНА шу корхонада хайрли ишга қўл урилган. Янги технология жорий этилган. Синиқ шишаларни эритиб, ранг баранг гулдон ва кулдонлар, ошхонабоп шиша идишлар, бошқа совға буюмлари тайёрлашга асос солинган. Шунга ҳам икки йил бўляпти. Ҳозир бозор иқтисодиёти ва нарх наво кескин қўтарилиши ҳамда таъминотдаги узулишлар корхонанинг кичик шўъбасини кенгайтириб, махсус цехга айлантиришни тақозо этди. Завод маъмурияти ташаббуси билан яхши жиҳозланган қўшимча ишлаб чиқариш участкаси қад ростлади. Бу ерда тез кунлар ичида шиша буюмларини кўплаб ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйиб юборилади.

Ремонтчиларга янги касб сир-асрорларини ўргатишда Москва давлат шишасозлик илмий-текшириш институти мутахассислари яқиндан ёрдам беришди. Энди йигирма нафар ишчининг йилига камида бир миллион сўмлик шиша буюмлар тайёрлашларига имкон бор.

Корхона шишасозлари учун хом ашё муаммо эмас. Уларнинг янги касби учун зарур ҳисобланган шиша синиқларини вилоятда фаолият кўрсатаётган қатор консерва заводларидан, шиша идишлар, қабул қилиш пунктларидан топиш, ҳатто аҳолидан ҳам келишилган нархда сотиб олиш мумкин.

Ҳа, Хоразмда шиша синиқларини тўплаб, уларга қайта умр бағишлайдиган ишбилармон ва тадбиркорлар ўзига хос ибрат кўрсатишди. Улар Нурмат Исроилов номидаги Урганч ремонт заводининг янги касбкор эгалари — воҳанинг биринчи шишасозларидир.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛАВҲА

● Моҳира ўзи тайёрлаган ширинликларни бир хил кесиб, ликопчаларга безаркан, синглиси Озода кўнглидан ўтди: «Пиширишга уста эди», пичирлаб қўйди. Эсини танибдики, опа-сингил меҳмон кутишарди, яна эшикдан Озода кириб келаётгандек туюлди». Айтишга тил бормайди-ку, асли қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дўст-ёронлардан кечиб, бегона шаҳарга келиб қолишимга Озода сабаб», ўйларди у.

МЕҲМОНХОНАГА кириб, дастурхонга разм солди. Ҳаммаси жойидага ўхшайди. Ўзиям, уч-тўрт кундан бери шу билан овора. Нима қилса ҳам камдек туюларди. Ахир қизи Моҳинур олти баҳорни қаршилаяптику, уринмасинми. Моҳира диванга ёнбошлади. Чарчоғи билинди. Ҳар йили ана шундай ҳаётбахш ҳорғинликдан таскин топгандай бўлади. Фақат севинчига шерик меҳмонлар даврасини кўрса, бўлгани.

Марғилондан Тошкентга келишганига уч ойдан ошяпти. Бугун бўлса, негадир мусофирлиги билингандай. Биров ким бор деб, йўқламади. Қўни-қўшнилар ҳали уни яхши билишмайди. У ёқда айтилмаса ҳам ҳамма шу куни уйига келишаверарди. Ким билади тағин, кўнгли ўксимасин, дейишарканми...

Моҳиранинг ёшлиги қувноқ ўтган. Оилада икки қиз ўсган. Опа-сингил бир ёшга фарқ қиларди. Уларни Фотима-Зуҳрами, деб қўйишарди. Тўйлари ҳам кетма-кет бўлган. Лекин бир кам дунё экан, Озода икки қизли бўлди. Моҳира фарзанд кўрмади. Йиллар ўтган сайин унинг чеҳрасида сўлғинлик из қолдираверди. Эзилиб юриши етмагандай, қайнона-ю эрининг дашномлари ўтиб тушарди.

Бир куни синглисини йўқлаб борса, Озода бир ўрин бўлиб ётибди.

— Кўнглинг тусаганини айт, пишириб бераман, — деди у синглисига куюниб.

— Ҳеч нарса тортмайди, — ҳўрсинди синглиси. — Оғир кўтараман, шекили. Наҳот туққунимча шу азоб, Яна тўққиз ой-ая. Яхшиси...

Моҳиранинг кўзи ғилтилаб ёшланди.

— Мен ҳаммасига ғинг демай, чидардим...

Опаси кетди. Озоданинг кўнгли ёзилмади. Кечқурун йиғлаб-йиғлаб эрига кўнглини бўшатди.

— Эй худойимей, шундоқ опамни бир тирноққа зор қилмаса, нимайди. Ҳали келиб эдилар, рангларни сарғайиб, кўзлари киртайибди.

— Озодахон, сабр таги зар-олтин, дейишади. Зора худойим ўғил берса. Акси бўлса, Моҳира опангизни қизли этиб, мушкулини осон этармиз...

Эр-хотин ўртасидаги бу гап Моҳирани қулоғига етиб, кўёви Равшаннинг донолигига тахсинлар ўқиган бўлди. Ишқилиб сингглим қиз туғсин-да, деб худога нола қиларди.

Озода қиз кўрди. Моҳиранинг уйи тўйхонага айланди. Унинг хонадонида ҳам чақалоқ овози янгради. Моҳира гўдакни қўлига олиб бағрига босар, димоғига урилаётган гўдакларга хос бўйдан боши айланар, оналик гаштини сурарди.

У она бўлгандан ўзидан йўқ сархуш эди. Энди унга талпинадиган, суянадиган жажжи инсон боридан қувонарди. Қизчаси Моҳинурга узоқ тикилар, хаёлга чўмар, борлиқни унутгандек бўларди.

Моҳинур барг ёзаётган гулдек яшнаб, атрофида гиргиртон-у парвона онасининг ҳаракатларини кузатадиган, ширин қилиқлари билан ром этадиган бўлди. Биринчи қадами, «ойи», «дада» деб талпинишларидан Моҳира билан Тўхтасиннинг кўнгиллари нурафшон бўлди.

Илгарилари Озоданинг келишини интизорлик билан кутадиган Моҳира энди бундай ташрифдан чўчийдиган бўлди. Моҳинурни Озоданинг қўлида кўрса, кўнгли зил кетар, гўё синглиси уни қайтариб олаётгандек ваҳима босарди. Бора-бора Моҳира синглисига руйҳўш бермайдиган бўлди. Ўзи ҳам уникига бормай қўйди. Марғилондан кўчиб, ҳаммасидан қутиламан, деган қарорга келди. Эри ҳам уни маъқуллаган бўлди.

Мана энди, синглисидан қочса ҳам, хотирадан қочолмай ўтирибди. Ҳамиша синглисининг ғамгин чеҳраси кўз ўнгида. Нега ўшанда синглим изиробларини тўғри тушунмадим. У менга «Моҳинурни бекорга опамга берибман» деяётгандек туюлиб, фақат ўзимни ўйлабман. Ахир кўзи ёриб, бағри чақалоқ кўрмай, кўкрак тутолмай қолгану, жигарим. Мен бўлсам жигарбандини кўриб туришидан ҳам бенасиб қилиб, Тошкентга келдим. Қизимнинг ўгайлигини ёширмоқчи бўлдим. Гўё шу билан ғам-андуҳ, ҳадиклардан қутиладигандай. Ночорликка барҳам бериб, ёлғизликка тутулдим...

Қўнғироқ кетма-кет жирингланди. Моҳира кўзёшини артган бўлди. Ичкари уйдан Моҳинур югуриб чиқди. «Ойижон, дадам келдилар». У эшикни очишга шошилди. Тўхтасин қўлидаги бир даста гулни қизига узатаркан, даст кўтариб, пешонасидан ўпди.

— Туғилган кунинг билан, қизим!

— Раҳмат, — деганича Моҳинур онасига юзланди.

— Ойижон, дадам менга мана нима олиб келибдилар. Қаранг чиройли-а-

Моҳира унга меҳр билан боқди. Сўнг эри томонга ўгирилди. Ундан қизарган кўзларини яшириб, ерга қаради.

— Тўхтасин ака, Марғилон борайлик,.. — деди истиҳола билан.

Буни эшитган Моҳинур «Ура, холамга борамиз»— дея қўлидаги гулдаста билан сакраб бошлади.

Тўхтасин бир оз ўйланиб турди-да, ҳозиргина эшик ёнига илган машина калитини қўлга олди.

Мая ОБИДОВА.

ЖИГАРЧИЛИК

Анъана

ҚИЗЛАР, ҚИЗЛАРХОН

● Хотин-қизларнинг бурч ва масъулиятини қай даражада тушунамиз? Тенг ҳуқуқлилик аёлларга нима берди? Қизлар ўзларини оила қуришга, ҳаётда муносиб бўлишга қандай тайёрлашлари керак?

Алишер Навоий номидаги Самарқанд дорилфунунида ўтказилган учрашув ана шундай мавзуларга бағишланди. Вилоят ҳокими ўринбосари М. Боқиева, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, шоира Б. Туробова, «Хотин-қизлар меҳнати» фабрикаси директори С. Жўраева, ижодкорлардан О. Асадова, Ж. Сувонова, болалар уйи директори А. Аҳмедова ҳамда биринчи тармоқ касаба уюшмалари вилоят қўмиталарининг раислари талабалар ҳузурига ташриф буюриб, ёшларни сабру бардошли, оқила, меҳнаткаш бўлишга даъват этдилар. Уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Дорилфунун ректори, профессор М. Жўрақулов ёшлар ўртасида амалга оширилаётган оммавий-сиёсий тадбирларга тўхталди. Даврада одамийликни улуғловчи ҳаётий масалалар, ривоятлар айтилди. Бадиий ҳаваскорлар дилтортар куй-қўшиқлар ижро этишди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ОРОМГОҲ ГЎШАЛАР

МИНГТЕПАГА ЧИҚҚАНМИСИЗ?

Марҳамат ноҳиясида Мингтепа деган сўлим жой бор. Табиатан бунақа чиройли, баҳаво жой камдан кам учрайди. Чўққига чиқиб қарасангиз узоқдан Улуғтоғ, Чилустун, Аравон тоғлари, Полвонтош адирлари кўриниб туради. Мингтепанинг тарихи узун. Эрамиздан илгари бу ерда Даван мамлакатининг пойтахти бўлиб, у Эрши номи билан аталган. Шаҳарда уч юз минг аҳоли яшаган. Даванга 75 та шаҳар бўйсунган. Бу мамлакат ўзининг чопқир оқ отлари, ширин-шакар узуми билан оламга довруғ таратган.

Хитой императори буни эшитиб. Эршига элчи юборган. У 105 саҳифа ёднома битиб, императорга етказган. Шундан кейин Хитой аскарлари Даванга бостириб келиб, уч йил жанг қилган. Лекин Эршини ололмаган. Бир ярим йилдан сўнг улар тағин Даван мамлакатига ҳужум бошлаган. Бу гал Эршидан шоҳга қарши одам топишган. Улар ўз шоҳига ҳиёнат қилиб, уни душманларга тутиб беришган. Хитойликлар Эршининг кулини кўкка совуриб, чопқир арғамоқлар, беда уруғи, узум кўчатларидан ўз юртига олиб кетишган. Мингтепа вайронага айланган ўша Эрши шаҳрининг қолдиғи.

Мингтепа истеҳком маъносини беради. Қирқ гектар ерда жойлашган шаҳар бир-бирига туташ мингта тепалик билан ўралган. Ғиштдан тикланган бу тепалар ер сатҳидан 27 метр баланд. Унинг тўрт томонида тўртта дарвозаси бўлган. Мингтепа қўрғонида мачит, уйлар, ҳовузлар, зиндон, боғ мавжуд эди. Подшо шу ҳовузлар бўйида айшу ишрат қилган. «Зиндон» аслида шаҳар тагидан ташқарига чиқадиган йўл вазифасини ўтаган.

Мингтепа ҳақида шундай ривоят ҳам бор: Али қилган бир тепа, кофир қилган мингтепа. Ҳазрат Али шу ерда, Жингиртепа атрофида кофирлар билан жанг қилган. Дукчи эшон ўз «карамати»ни Мингтепада кўрсатган. Ёзувчи Абдумаппоп Эгамбердиевнинг романида хитойликлар Даван мамлакатини қандай босиб олгани, унинг пойтахти Эршини вайронага айлантирганини жуда қизиқарли баён этган.

Инқилобдан кейин бу ерни ўрислар эгаллаб, оқ уйлар қуришган. Ўша маҳалда Мингтепа «Русское село» номи билан юритилган. Кейинчалик бу ном Марҳамат, деб ўзгартирилган. Лекин Мингтепа қаровсиз, ташландиқ ҳолга келган. Ердан гоҳ сув чиқиб, қамиш қоплаган. Унинг куй чиқиш томонида ғишт заводи, кун ботиш томонида эса асфальт заводи қурилган.

Уч йилдирки, ўша харобага айланиб кетган Мингтепада хайрли ишга қўл урилди. 23 гектарлик боғ яратилди. Ўрикзор, олмазор, шафтолизор, олхўризор барпо этилди. Бу гўзал боғнинг боғбони ажойиб инсон Абдували Ҳамидов, у кўпни кўрган, ишбилармон одам. Меҳнат фаолиятини оддий деҳқончиликдан бошлаган. Қишлоқда ҳисобчи, бригада бошлиғи, партия ташкилоти котиби, хўжалик раиси бўлиб ишлаган. Қирқ йил халқ ичида юрган. Ўша кезларда унинг ташаббуси билан Жанубий Фарғона канали этагида 18 гектар, Жингиртепа чўққисида 32 гектар боғ яратилган.

Абдували Ҳамидов пенсияга чиққач, М. Тожибоев номли жамоа хўжалиги ҳайъатидан Мингтепани сўраб олди ва боғ яратди.

— Бу ерни одамлар дам оладиган «жаннат»га айлантиргим келди, — дейди Абдували ака ғурур билан. — Боғимиз кўзга кўриниб қолди. Кўпчилик келиб, кўриб кетяпти. Мингтепадан сақланиб қолган жойлар бор. Унинг этакларига терак, беҳи эктирдим. Мирзатераклар етилгач, Мингтепа узоқ-узоқдан кўзга ташланиб туради. Боғни ўн тўрт ижрачига бўлиб берганмиз, ҳаммаси боғ шайдоси...

М. Тожибоев номли жамоа хўжалиги раиси Солижон Зокиров Мингтепа боғининг боғбони Абдували Ҳамидовни қўллаб-қувватлаб турибди. У Мингтепанинг йўқолиб кетган дарвозаларини тиклашда ёрдам бермоқчи.

Кези келганда археологларга ҳам айтар сўзимиз бор. Мингтепа тилсими ҳануз ўрганилгани йўқ. Улар бу «сирли» тепалар ва тупроқ тўлиб ётган «зиндон»ни чуқур ўргансалар, юртимизнинг унутилган, ҳали ўқилмаган саҳифалари очилган бўларди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



БОЛАЛАРНИ ЕТАКЛАБ

Ўғил-қизларимизнинг ширин тили чиққанидан бошлаб уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Лекин кичкинтойлар улғайган сари қуруқ жавоблардан қаноатланмай қўйишади. Ана шундагина болаларимиз, қолаверса, неваларимизни етаклаб ўсимликлар дунёси, ҳайвонот дунёси билан яқиндан таништириш учун боғларга, истироҳат масканларига ва жониворлар маконига етаклаймиз. Ўзбекистонда ҳам дунёнинг турли бурчакларида яшовчи ҳайвону қушлар сақланаётган гўшалар мавжуд. Ана шундай ҳайвонот боғларидан бири республика Жанубида жойлашган Термиз ҳайвонот боғи бугунги кунда шаҳарликларнинг кўнгилочар жойига айланган. Бу ерда 240 дан ортиқ ёввойи ҳайвонлар сақланмоқда. Улардан 12 таси жаҳон қизил китобига киритилган.

СУРАТЛАРДА: ҳайвонот боғида.

И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБЎТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода— 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Буюртма № Г—182.

№ 112.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. топширилди—21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.